



**DUA ALMAYA  
GELDİM**

---

**DUO OLGANI  
KELDİM**

---

**ДУО ОЛГАНИ  
КЕЛДИМ**

**CUMALİ ŞABANOV**

**Arslan Bayır - Baygeç Yayıncılık: 369**

**Şiir Dizisi : 112**

**ISBN: 978-625-5791-35-1**

**Baygeç Yayıncılık Adına: Arslan Bayır**

**Sayfa Hazırlık: Abdullah Tülel**

**TC Kültür Bakanlığı**

**Yayıncı Sertifika No: 51816**

**Basım Yeri Sertifika No: 45514**

**1. Baskı Şubat 2026**

**Baygeç Yayıncılık Adresi:**

Kadıpaşa Mah. Alanay Sk. Badem Apt. 6/13

Alanya / ANTALYA - Tel.: 0532 409 45 21

**Yazışma: PK: 66 Alanya / ANTALYA**

**e-posta: alanyaguncel@gmail.com**

**Baskı Yeri: Yiğit Grafik Tasarım Yayıncılık Matbacılık**

San. Tic. Ltd.Şti. / Adana **Tel: 0532 522 62 57**

---

Yayınevinin, yazarın izni olmadan tanıtım dışında alıntı yapılamaz.

Yayın hakkı yazarındır.

DUA ALMAYA  
GELDİM

DUO OLGANI  
KELDİM

ДУО ОЛГАНИ  
КЕЛДИМ

CUMALİ ŞABANOV



## Ön Söz

Ben şair değilim, yazar da değilim. Hatta bu mesleklerin talibi de değilim. Sadece çocukluğumdan beri edebiyata ve sanata çok ilgim var. On binden fazla kitap okudum, bin civarında şiiri ezberledim. Çok sayıda sahne eserini de ezbere bilirim. Tiyatro olmadan yaşayamam. “Gelinler Ayaklanması” (*Kelinlar qo‘zg‘oloni*) adlı oyunu 100’den fazla, “Gönül” (*Ko‘ngil*) adlı oyunu ise 50 kez izledim.

Kendi hayalimde küçük küçük monologlar yazıyorum. Bunları hiç kâğıda dökmedim. Okul yıllarımda, üniversite yıllarımda, “Gençler Birliği”nde çalıştığım zamanlarda ve 46 yıldır öğrencilere ders verdiğim dönemlerde; etkinliklerde, pamuk ve meyve toplarken, inşaat atölyelerinde ve üniversitemizin sanat sarayında bu monologları dinleyicilere okuyorum. Büyük bir keyifle dinliyorlar. Dedğim gibi, bunları hiç kâğıda dökmek aklıma gelmemişti...

Ama... Bir zamanlar Rus Dili ve Edebiyatı Pedagoji Enstitüsünde okuyan, şu anda Kanada’da yaşayan öğrencim Gülnaze’nin aşağıdaki yazısını Facebook’ta gördüm. Yazıyı sizlerle paylaşıyorum:

Pamuk toplama sezonuydu. Üniversitemizin öğrencileri şehirden uzaklara pamuk toplamaya gönderilirdi. Hocamız Cumali Şabanov bizim barakaya gelirdi. Çeşitli monologlar okurdu. İşte o zaman, ilk kez anlayarak dinlediğimi hatırlıyorum. Ötkir Haşimov’un Dünyanın İşleri adlı eserinden bir bölüm okumuştı:

— *Bahar nereden başlar? Tepelerin yamaçlarındaki yemyeşil otlardan mı, yoksa damların üstünde açan kıpkırmızı gelinciklerden mi? Hayır! Bahar mezarlıktan başlar... — diye okumuştı.*

*Herkes derin bir sessizliğe bürünmüştü. Çünkü çok etkileyici okumuştun. Hatta yanlış hatırlamıyorsam bazıların gözleri dolmuştu...*

*Böylesine dramatik bir okumadan sonra mutlaka güldürücü bir şey de anlatırdı. Bir tanesi hâlâ çok iyi aklında; sonraları kızlarla birlikte hatırlayıp gülmüşüzdür.*

*Cumali Hoca bir soru sormuştu:*

*— Aranızda aşk derdine tutulmayan var mı? — diye.*

*O anda ben ve bir iki kişi daha gururla elimizi kaldırmıştık.*

*Derken hoca demişti ki, büyük Nevâî şöyle buyurmuş:*

*— Aşksız olan, eşektir.*

*Gerçekten de ortalık kahkahaya boğulmuştu!*

Gülnaze'nin bu sözlerinden sonra, hayalimde yazdıklarımı kâğıda dökmeye karar verdim. Okuyun; eğer az da olsa sizi etkilerse dua edersiniz. Etmezse, her zamanki gibi yırtıp çöpe atarsınız.

İyi niyet ve dileklerle,

İyi niyet ve dileklerle,  
**Cumali Şabanov**

Men shoir emasman, yozuvchi ham emasman. Xatto davogorlik ham qilmayman. Shunchaki, yoshligimdan adabiyotga va sanʼatga juda qiziqaman. Oʻn mingdan ortiq kitob oʻqiganman, mingga yaqin sheʼrlarni yoddan bilaman. Juda koʻp sahna asarlarini yod bilaman. Men teatrsiz yashay olmayman. “Kelinlar qoʻzgʻoloni”ni 100 martadan koʻproq, “Koʻngil” spektaklini esa 50 martadan koʻproq koʻrganman.

Oʻzimcha xayolimda kichik-kichik monologlar yozib yuraman. Ularni hech qachon qogʻozga tushurmaganman. Maktabda oʻqib yurgan kezlirim, universitet davrlari, “Yoshlar ittifoqi”da ishlagan paytlarim va mana 46 yildirki, talabalarga dars bergan kezlirimda tadbirlarda, paxta va meva terimi chogʻlarida, qurilish atelyelarida, universitetimiz sanʼat saroyida shu monologlarni tinglovchilarga oʻqib beraman; miriqib tinglashadi. Aytganimdek, hech qachon qogʻozga tushurish esimga kelmagan...

Lekin... Bir vaqtlar Rus tili va adabiyoti pedagogika institutida oʻqib ketgan va hozirgi kunda Kanadada yashayotgan Gulnoza ismli talabamning quyidagi yozuvini “Facebook”da koʻrib qoldim. Yozuvni sizlarga havola qilmoqdaman:

Ustoz Shabanov paxtaga kelardilar. Turli monologlarni oʻqirdilar. Shunda birinchi marta tushungan holda tinglab, tomosha qilganman. Oʻtkir Hoshimovning “Dunyoning ishlari” qissasidan parcha oʻqib bergandilar:

— Bahor qayerdan boshlanadi? Adirlarning yam-yashil oʻtlardanmi yoki tomlar tepasida ochilgan qip-qizil

qizg'aldoqlardanmi? Yo'q! Bahor qabristondan boshlandi... — deb aytib bergandilar.

Hamma jim-jit eshitardi. Chunki juda ta'sirli o'qirdilar. Hatto ba'zilarimiz, adashmasam, ko'zimizga yosh ham olgandik...

Shunaqa dramatik o'qishdan keyin kulguli bir narsa ham aytib berardilar. Bittasi juda yaxshi yodda qolgan; keyin ham qizlar bilan kulgudan yorilib eslab yurardik.

Jumali domla savol berdilar:

— Orangizda kim ishq dardiga muhtalo bo'lmagan? — deb.

Shunda men va yana bir-ikkitamiz faxr ila qo'l ko'targandik.

Bir payt domla aytdilarki, buyuk Navoiy shunday degan ekan:

— Ishqsiz — u eshakdur, — deb.

Rostdan ham rosa kulgi bo'luvdi-da!

Gulnozaning bu so'zlaridan so'ng, xayolimdagi yozib yurganlarimni qog'ozga tushurishga qaror qildim. O'qib ko'ring; yoqsa, oz bo'lsa ham sizni ta'sirlantirsa, duo qilasiz. Yoqmasa, odatdagidek yirtib tashlaysiz yoki pista o'rab sotasiz.

Yaxshi niyat va tilaklar bilan,  
**Jumali Shabanov**

Мен шоир эмасман, ёзувчи ҳам эмасман. Хатто давогорлик ҳам қилмайман. Шунчаки, ёшлигимдан адабиётга ва санъатга жуда қизиқаман. Ўн мингдан ортиқ китоб ўқиганман, мингга яқин шеърларни ёддан биламан. Жуда кўп саҳна асарларини ёд биламан. Мен театрсиз яшай олмайман. «Келинлар кўзголови»ни 100 мартадан кўпроқ, «Кўнгил» спектаклини эса 50 мартадан кўпроқ кўрганман.

Ўзимча хаёлимда кичик-кичик монологлар ёзиб юраман. Уларни ҳеч қачон қоғозга тушурмаганман. Мактабда ўқиб юрган кезларим, университет даврлари, «Ёшлар иттифоқи»да ишлаган пайтларим ва мана 46 йилдирки, талабаларга дарс берган кезларимда тадбирларда, пахта ва мева терими чоғларида, қурилиш ательеларида, университетимиз санъат саройида шу монологларни тингловчиларга ўқиб бераман; мириқиб тинглашади. Айтганимдек, ҳеч қачон қоғозга тушуриш эсима келмаган...

Лекин... Бир вақтлар Рус тили ва адабиёти педагогика институтида ўқиб кетган ва ҳозирги кунда Канадада яшайётган Гулноза исмли талабамнинг кўйидаги ёзувини «Facebook»да кўриб қолдим. Ёзувини сизларга ҳавола қиламан:

Устоз Шабанов пахтага келардилар. Турли монологларни ўқирдилар. Шунда биринчи марта тушунган ҳолда тинглаб, томоша қилганман. Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» қиссасидан парча ўқиб бергандилар:

— Бахор қаердан бошланади? Адирларнинг ям-яшил ўтларданми ёки томлар тепасида очилган қип-қизил қизғалдоқларданми? Ёқ! Бахор қабристондан бошланади... — деб айтиб бергандилар.

Ҳамма жим-жит эшитарди. Чунки жуда таъсирли ўқирдилар. Хатто ба'зиларимиз, адашмасам, кўзимизга ёш ҳам олгандик...

Шундай драматик ўқишдан кейин кулгули бир нарса ҳам айтиб берардилар. Биттаси жуда яхши ёдда қолган; кейин ҳам қизлар билан кулгудан ёрилиб эслаб юрардик.

Жумали домла савол бердилар:

— Орангизда ким ишқ дардига мубтало бўлмаган? — деб.

Шунда мен ва яна бир-иккитамиз фахр ила қўл кўтаргандик.

Бир пайт домла айтдиларки, буюк Навоий шундай деган экан:

— Ишқсиз — у эшакдур, — деб.

Ростдан ҳам роса кулги бўлувди-да!

Гулнозанинг бу сўзларидан сўнг, хаёлимдаги ёзиб юрганларимни қоғозга туширишга қарор қилдим. Ўқиб кўринг; ёқса, оз бўлса ҳам сизни таъсирлантирса, дуо қиласиз. Ёқмаса, одатдагидек йиртиб ташлайсиз ёки писта ўраб сотасиз.

Яхши ният ва тиллаклар билан,  
**Жумали Шабанов**

## Monologlar Vatan Ne Demektir?

Vatan ne demektir?

Vatan, gülümseyen bir bebektir.

Bebeklerimiz ne kadar güler, sevinirse

Vatan o kadar çiçek açar, yeşerir, şenlenir.

Eğer bir bebeğin yüzünü tebessüm yerine ağlayış kaplarsa

Vatan çöker, yıkılır, düşer.

Vatan ne demektir?

Vatan, annelerimizin sıcak şefkatidir.

Annelerimizin şefkati ne kadar sıcak, ne kadar geniş yürekli olursa

Vatan o kadar çiçek açar, yeşerir, coşar.

Eğer annelerimizin şefkatine soğukluk düşerse

Gözleri yaşlanır, vatan yıkılır, çöker.

Vatan ne demektir?

Vatan, atalarımızın duaya açılmış elleri demektir.

Atalarımızın elleri dua için kalktığı sürece

Vatan çiçek açar, yeşerir, coşar.

Eğer atalarımızın elleri duaya değil de bedduaya kalkarsa

Vatan yıkılır, çöker, harap olur.

Yaradan'dan tek dileğim şudur ki

Atalarımızın elleri her zaman duaya açık olsun.

Vatan çiçek açsın, yeşersin.

14 Ocak 2020

## Vatan nima degani?

Vatan nima degani?

Vatan kulimsirab turgan chaqaloq.

Chaqaloqlarimiz qanchalik kulsa, suyunsa,

Vatan shuncha gullaydi, yashnaydi, yayraydi.

Gar chaqaloqning yuzini tabassum o‘rniga yig‘i egallasa,

Vatan cho‘kadi, yiqiladi, qulaydi.

Vatan nima degani?

Vatan onalarimizning qaynoq taftidir.

Onalarimizning tafti qanchalik qaynoq bo‘lsa, bag‘rikeng bo‘lsa,

Vatan shunchalik gullaydi, yashnaydi, gurkiraydi.

Agar onalarimizning taftiga sovuqlik tushsa,

Ko‘zlari yoshlanadi, Vatan qulaydi, cho‘kadi.

Vatan nima degani?

Vatan — bobolarimizning duoga ochiq qo‘llari degani.

Toki bobolarimizning qo‘llari ko‘tarilib, duoga ochiq bo‘lar ekan,

Vatan gullaydi, yashnaydi, gurkiraydi.

Gar bobolarimiz qo‘llari duoga emas, qarg‘ishga ko‘tarilsa,

Vatan qulaydi, cho‘kadi, vayron bo‘ladi.

Yaratgandan yagona tilagim shuki,

Hamisha bobolarimiz qo‘llari duoga ochiq bo‘lsin.

Vatan gullasin, yashnasin.

**1920-yil 14-yanvar**

## Ватан нима дегани?

Ватан нима дегани?

Ватан кулимсираб турган чақалоқ.

Чақалоқларимиз қанчалик кулса, суюнса,

Ватан шунча гуллайди, яшнайти, яйрайди.

Гар чақалоқнинг юзини табассум ўрнига йиғи эгалласа,

Ватан чўкади, йиқилади, қулайди.

Ватан нима дегани?

Ватан оналаримизнинг қайноқ тафтидир.

Оналаримизнинг тафти қанчалик қайноқ бўлса, бағрикенг бўлса,

Ватан шунчалик гуллайди, яшнайти, гуркирайди.

Агар оналаримизнинг тафтига совуқлик тушса,

Кўзлари ёшланади, ватан қулайди, чўкади.

Ватан нима дегани?

Ватан – боболаримизнинг дуога очиқ қўллари дегани.

Токи боболаримизнинг қўллари кўтарилиб дуога очиқ бўлар экан,

Ватан гуллайди, яшнайти, гуркирайди.

Гар боболаримиз қўллари дуога эмас қарғишга кўтарилса,

Ватан қулайди, чўкади, вайрон бўлади.

Яратгандан ягона тилагим шуки,

Ҳамиша боболаримиз қўллари дуога очиқ бўлсин.

Ватан гулласин, яшнасин.

**1920-йил 14-январ**

## ANNEM

Dün şehirden köye döndüm.  
Annemi gördüm ve hayran kaldım.  
Annemin başında saçları kar gibi ağarmış,  
Yüzü çizgilerle dolmuş.

Kim,  
Niçin,  
Ne zaman onu bu hale koymuş...  
Düşündüm, düşündüm, düşündüm  
Ve şu karara vardım:

Ben dünyaya geldiğim ilk günde,  
Annemin gözlerinde sevinç yaşları akarken,  
Başında bir tane ak saç  
Ve yüzünde bir çizgi peyda olmuş.  
Dünyanın en güzel sözü olan

“Anneciğim” kelimesini ilk defa söylediğimde,  
Annemin başında bir beyaz saç  
Ve yüzünde bir çizgi peyda olmuş.

Yoksulduk, fakirdik...  
Yedi yaşında annem bana eski kumaşlardan çanta dikip  
Okula gönderirken  
“Benim de çocuğum okuyacak,  
Dünyayı bilecek,  
Adam olacak” diye  
Gözlerinde sevinç yaşlarıyla ağlarken,  
Başında bir beyaz saç,  
Yüzünde bir çizgi peyda olmuş...

Son sınıf öğrencisiydim,  
Üniversiteye hazırlanıyordum...  
Allahım,  
Sen yardımcımız ol!  
Benim oğlum kazansın diye  
Sabahlara kadar uyumadan Allah'a yalvarırken,  
Başında bir ak saç,  
Yüzünde bir çizgi peyda olmuş...  
Ben Taşkent'e gittim,  
Kazanmıştım.  
Köyüme, anama haber gönderdim.  
Tanıdığım, tanımadığım herkese müjde verirken,  
Gözlerinden sevinç yaşları akarken,  
Başında bir ak saç,  
Yüzünde bir çizgi peyda olmuş...

Öğrencilik yıllarım idi,  
Aşka müptela olmuş idim.  
Allahım, benim oğlum da  
Sevdiği ile mutlu olsun,

Düğünlerini bir görsem diye ağlarken,  
Başında bir beyaz saç,  
Yüzünde bir çizgi peyda olmuş...  
Düğün günüydü:  
Ben gerdeğe giderken,  
“Allahım, bana bir torun ver” diye ağlarken,  
Başında bir beyaz saç,  
Yüzünde bir çizgi peyda olmuş...

Ođlum Ümit dünyaya geldiđi gün,  
Gözlerinden sevinç yaşları akarken,  
Başında bir beyaz saç,  
Yüzünde çizgiler peyda olmuş...

Ođlum Ümit üç yaşındaydı,  
Moskova'ya gitmem gerekiyordu.  
Çocuđumu köye bıraktım,  
Annemin yanındaydı.  
Moskova'da üç gün dayandım.  
Taşkent'e döner dönmez hemen köye gittim.

Ođlumu görecektim, şehre getirecektim.  
Onu çok, çok özlemiştim.  
Annem bana dedi ki:  
"Ođlum işte,  
Herkesin çocuđu kendisine tatlıdır.  
Sen kendi annene  
Üç yaşındaki çocuđunu  
Üç güne kıyamadın.

Ya ben seni Taşkent'e gönderdiğimden beri,  
İlk günden beri  
Bu güne kadar  
On beş yıl geçti.  
Her gün ne zaman diye  
Yollarını gözledim."  
İşte annem,  
Yollarımı gözlerken,  
Başında bir ak saç  
Ve yüzünde bir çizgi peyda olmuş...

Saysam, söylesem, bunların sayısı bitmez...

Anacığım,  
Seni bu günlere düşüren,  
Başını ak saçlarla dolduran,  
Yüzünü çizgilerle dolduran,  
Benim anacığım,  
En büyük suçlu benim.

Ben,  
Bir ünlü yazarın dediği gibi:  
“Biz çocuklar  
Ulu bir sima önünde

Bir ömür borçluyuz.”  
Bir sima anadır, ana.  
Ana canım,  
Tüm yaptığım işler için,  
Tüm suçlarım için,  
İzin ver bu gün,  
Senin önünde,  
Senin için,  
Anneler için  
Diz çöküp tazim etmeye,  
Ellerini öpmeye geldim.

Can anacığım.

*25 Mayıs 1986*

## ONAM

Kecha shahardan qishloqqa bordim,  
Ona-i zorimni koʻrdim

Va hayron boʻlib qoldim.  
Onajonimning boshidagi sochlari oppoq, qor kabi oqarmish,

Yuzlari ajinlarga toʻlgan ekan.  
Kim,  
Nima uchun,  
Qachon uni bu kuyga solgan?...

Oʻyladim, oʻyladim, oʻyladim  
Va shunday xulosaga keldim:

Men dunyoga kelgan ilk kunimda,  
Onamning koʻzlaridan sevinch yoshlari oqar ekan,  
Boshida bir dona oq soch,  
Yuzida esa bir ajin paydo boʻlgan ekan.

Dunyodagi eng chiroyli soʻz —  
“Onajonim” degan soʻzni ilk bor aytganimda ham,  
Onamning boshida bir oq soch,  
Yuzida bir ajin paydo boʻlgan ekan.

Kambagʻallik qursin, nochorlik qursin...

Yetti yoshimda onam eski koʻylaklaridan halta tikib,  
Ichiga chorakta zogʻora non solib, maktabga kuzatar ekan:  
“Bolam oʻqiydi,  
Dunyoni taniydi,

Odam bo‘ladi,” deb  
Ko‘zlaridan sevinch yoshlari oqarkan,  
Boshida bir oq soch,  
Yuzida bir ajin paydo bo‘lgan ekan.

Oxirgi sinfda o‘qirdim,  
Universitetga tayyorlanardim...

“Yo Alloh,  
O‘zing yordam ber,  
O‘g‘lim o‘qishga kirsin,” deb  
Tunlari uxlamay Allohga iltijo qilganida,  
Boshida bir oq soch,  
Yuzida bir ajin paydo bo‘lgan ekan.

Men Toshkentga ketdim,  
Imtihondan o‘tgan edim.  
Qishloqqa, onamga xabar yubordim.  
Tanish-notanishlarga xushxabar tarqatarkan,  
Ko‘zlaridan sevinch yoshlari oqib turganida,  
Boshida bir oq soch,  
Yuzida bir ajin paydo bo‘lgan ekan.

Talabalik yillarim edi,  
Muhabbatga muhtalo bo‘lgandim.  
“Yo Alloh, o‘g‘lim ham  
Sevgani bilan baxtli bo‘lsin,

To‘yini bir ko‘rsam,” deb yig‘laganida,  
Boshida bir oq soch,  
Yuzida bir ajin paydo bo‘lgan ekan.

To'y kuni edi:  
Men kelin bilan go'shangaga kirar ekanman,  
"Yo Alloh, menga bir nabira ber," deb yig'laganida,  
Boshida bir oq soch,  
Yuzida bir ajin paydo bo'lgan ekan.

O'g'lim Umid dunyoga kelgan kuni,  
Ko'zlaridan sevinch yoshlari oqib turganida,  
Boshida bir oq soch,  
Yuzida yana ajinlar paydo bo'lgan ekan.

O'g'lim Umid uch yoshda edi,  
Moskvaga borishim kerak bo'ldi.  
Bolamni qishloqqa olib borib,  
Onamning yonida qoldirdim.

Moskvada uch kun chidadim.  
Toshkentga qaytishim bilan  
Darhol qishloqqa jo'nadim.  
O'g'limni olib, shaharga ketmoqchi edim.  
Uni juda-juda sog'ingandim.

Shunda onam menga qarab dedi:  
"O'g'lim,  
Har kimning bolasi o'ziga shirin ekanda.  
Sen uch yoshli bolangni  
Uch kunga ham o'z tuqqan onangdan qizg'anding.  
Ammo men seni  
Toshkentga ketgan kuningdan beri,  
O'n besh yildan beri  
'Qachon kelarkin?' deb  
Yo'llaringga ko'z tikdim."

Boshida minglab oq soch,  
Yuzida minglab ajinlar paydo bo‘lgan ekan...

Bularni sanasam, sanog‘imning adog‘i yo‘q...

Onajonim,  
Seni shu kuyga solgan,  
Boshingni oq sochlarga,  
Yuzingni ajinlarga to‘ldirgan menman, onajonim.  
Eng katta aybdor — menman.

Mashhur bir yozuvchi aytgan ekan:  
“Biz farzandlar

Ulug‘ bir zot oldida

Bir umr qarzdormiz.”  
U ulug‘ zot — onadir, ona.  
Jonim onam,  
Qilgan barcha sho‘xliklarim,  
Barcha ko‘hliklarim uchun,  
Bugun huzuringda  
Ijzat ber, tiz cho‘kib ta’zim etay,

Onajon.

**25 may 1986 yil**

## ОНА

Кеча шаҳардан қишлоққа бордим-у,  
Она-и зоримни кўрдим  
Ва ҳангуман бўлиб қолдим.  
Онажонимнинг бошидаги сочлари оппоқ қор каби оқармиш-у,  
Юзлари ажинларга тўлган экан.  
Ким,  
Нима учун,  
Қачон уни бу куйга солган?...

Ўйладим, ўйладим, ўйладим,  
Ва шундай хулосага келдим:  
Мен дунёга келган илк кунимда,  
Онажонимнинг кўзларидан севинч ёшлари оқар экан,  
Бошида бир дона оқ соч-у,  
Юзида эса бир ажин пайдо бўлган экан.

Дунёдаги энг чиройли сўз —  
«Онажоним» деган сўзни илк бор айтганимда ҳам,  
Онажонимнинг бошида бир оқ соч-у,  
Юзида бир ажин пайдо бўлган экан.

Камбағаллик курсин, ночорлик курсин...  
Етти ёшимда онажоним эски кўйлақларидан ҳалта тикиб,  
Ичига чоракта зоғора нон солиб, мактабга қузатар экан:  
«Болам ўқийди,  
Дунёни танийди,  
Одам бўлади», деб,  
Кўзларидан севинч ёшлари оқар экан,  
Бошида бир оқ соч,  
Юзида бир ажин пайдо бўлган экан.

Охирги синфда ўқирдим,  
Университетга тайёрланардим...  
«Ё Аллоҳ,  
Ўзинг ёрдам бер,  
Ўғлим ўқишга кирсин», деб,  
Тунлари ухламай Аллоҳга илтижо қилганида,  
Бошида бир оқ соч,  
Юзида бир ажин пайдо бўлган экан.  
Мен Тошкентга кетдим,  
Имтиҳондан ўтган эдим.  
Қишлоққа,  
Онажонимга хабар юбордим.  
Таниш-нотанишларга  
Хушxabар тарқатар экан,  
Кўзларидан севинч ёшлари оқиб турганида,  
Бошида бир оқ соч-у,  
Юзида бир ажин пайдо бўлган экан.

Талабалик йилларим эди,  
Муҳаббатга мубтало бўлган эдим.  
«Ё Аллоҳ, ўғлим ҳам  
Севгани билан бахтли бўлсин,  
Тўйини бир кўрсам», деб йиғлаганида,  
Бошида бир оқ соч-у,  
Юзида бир ажин пайдо бўлган экан.

Тўй куни эди:  
Мен келин билан гўшангага кирар эканман,  
«Ё Аллоҳ, менга бир набира бер», деб йиғлаганида,  
Бошида бир оқ соч-у,  
Юзида бир ажин пайдо бўлган экан.

Ўғлим Умид дунёга келган куни,  
Кўзларидан севинч ёшлари оқиб турганида,  
Бошида бир оқ соч-у,  
Юзида яна ажинлар пайдо бўлган экан.  
Ўғлим Умид уч ёшда эди,

Москвага боришим керак бўлди.  
Боламни қишлоққа олиб бориб,  
Онажонимнинг ёнида қолдирдим.  
Москвада уч кун қолдим,  
Тошкентга қайтишим билан  
Дарҳол қишлоққа жўнадим.

Ўғлимни олиб,  
Шаҳарга кетмоқчи эдим.  
Уни жуда-жуда соғинган эдим.  
Шунда онажоним менга қараб:  
«Ўғлим,  
Ҳар кимнинг боласи ўзига ширин экан-да.  
Сен уч ёшли болангни  
Уч кунга ҳам  
Ўз туққан онангдан қизғандинг.

Аmmo мен сени  
Тошкентга кетган кунингдан бери,  
Ўн беш йилдан бери,  
«Қачон келаркин», деб  
Йўлларингга кўз тикиб кутдим»,  
дея йиғлаган чоғида

Бошида минглаб оқ соч-у,  
Юзида минглаб ажинлар пайдо бўлган экан...

Буларни санасам, саноғимнинг адоғи йўқ...

Онажоним,  
Сени шу куйга солган,  
Бошингни оқ сочларга,  
Юзингни ажинларга тўлдирган  
Менман, онажоним.

Энг катта айбдор — менман.

Машҳур бир ёзувчи айтган экан:  
«Биз фарзандлар  
Улуғ бир зот олдида  
Бир умр қарздормиз».

У улуғ зот — онадир, она.

Жоним онам,  
Қилган барча шўхликларим,  
Барча кўхликларим учун  
Бугун ҳузурингда  
Ижозат бер, тиз чўкиб таъзим этай,  
Онажон.

**25 май 1986 йил**

## Dileğim

Babacığım,

Senin hakkında neredeyse on yıldır yazmak istiyorum ama nedense her seferinde boğazıma bir şey düğümliyor, gözlerimden yaşlar akmaya başlıyor. Çok yazıyorum, yazıyorum ama senin hakkında yazmak o kadar zor ki... İşte bugün kendimde güç toplayıp yazmaya karar verdim.

Babacığım,

Doksan bir yıl yaşadın. Bir kez olsun yüzüne dik bakamadım, bir kez olsun yüzünü, başını okşayamadım. Sen sert biri, ben korkak olduğum için değil. Dünyada senin kadar yumuşak kalpli, az konuşan, sade ve mütevazı bir insanı bir daha görmedim.

Ömrüm boyunca sana benzemeye, senin gibi olmaya çalıştım; uğraştım ama senin gölgen kadar bile olamadım. Sen dünyanın en çalışkan, en temiz, en dürüst insanıydın. İşte elli yıldır ben de çalışıyorum, dürüst ve temiz olmaya gayret ediyorum ama nedense senin gibi olamıyorum, babacığım.

“Çocuklarım bana benzemesin” derdin hep. Bu sözlerinin anlamını gençliğimde kavrayamazdım, hatta sinirlenirdim. “Neden babama benzememem gerekiyor?” derdim. Şimdi anlıyorum, anlamaya çalışıyorum neden böyle dediğini.

Çünkü sen okuma yazma bilmezdin; o zalim sistem seni bu hâle getirmişti. Ama eğitimin olmamasına rağmen derin düşünür, zeki davranırdın. Altı çocuğunun hepsini okuttun. Dünyanın en terbiyeli insanları olmamız için uğraştın. Hepimiz (dört oğul,

iki kız) okulda çok iyi okurduk ama sen haftada en az iki kez okula gider, derslerimizi kontrol ederdin. Defalarca “Bana benzemeyin” derdin.

Ömrünün elli yılını arabacılıkla geçirdin ama dünyanın en ünlü yazarları gibi, en aydın bilim insanları gibi düşünürdün.

Bilirdim, görürdüm; çok zorlanırdın. Her işi kendin yapardın. Bizim daha çok okumamız için elinden geleni yapardın. “Okuyun, okuyun” derdin.

Okuduk.

Ben hatta üç diplomalı oldum, kendi alanımda iyi bir uzman oldum ama senin okyanus gibi bilgeliğin karşısında benim bildiklerim bir damla kadar bile olamadı.

Dünyayı gördüm, dünyayı gezdim. İyi bir tercüman oldum. En yüksek makamlı insanlara tercümanlık yaptım. Devlet liderimizin yanında yirmi bir yıl çalıştım. Dünyanın birçok cumhurbaşkanıyla, başbakanıyla, parlamenterleriyle tanıştım. Dünyaca tanındım. Ama senin kadar saygıdeğer, senin kadar itibarlı olmadım, babacığım.

Babacığım,

Sana yakın olmaya çalıştım; seninle dost, yoldaş olmaya gayret ettim. Sana dayanak, destek olmaya, yaptığın işleri biraz olsun hafifletmeye çalıştım ama bunu da başaramadım.

Başımı omzuna koyup sana sokulmaya, içimdeki derdi dökmeye, seninle dertleşmeye, senden öğüt almaya çok çalıştım, çok istedim. Bunu da yapamadım, babacığım.

Sana çok büyük saygı duyuyorum. Seni canımdan çok seviyorum. Sen benim tacımsın, dayandığım dağımsın. Varlığım-sın, vicdanımsın, her şeyimsin. Bu sözler her an dilimde ve kalbimde dönüp dururdu ama kendimde güç bulup, yüzüne bakarak bunları sana söyleyemedim, babacığım.

Babacığım,

Ben senin karşında bir ömür borçluyum. Keşke gücüm yetseydi de, iradem dayanıp bu sözleri sana hayattayken söyleyebilseydim.

*Borcumu ödeyebilseydim babam ve annem,  
Kendimi mutlu mesut hissederdim.  
Her zaman adınızı kalbimde gizleyip,  
Dünyadan pişmansız, huzurla göçerdim.*

Babacığım,

Dileklerimi kabul eyle. Şımarıklıklarımı, yaramazlıklarımı, ilgisizliğimi affet.

Âlim olup insan olamayan oğlunuz.

**Kasım 2025**

## O‘tinch

Dadajon,

Siz haqingizda deyarli o‘n yildan beri yozmoq istayman, lekin negadir xalqumimga bir narsa tiqilib, ko‘zlarimdan yosh oqa boshlaydi. Ko‘p yozaman, yozaman, lekin siz haqingizda yozish shunchalik qiyinki... Mana bugun o‘zimda kuch yig‘ib, yozishga qaror qildim.

Dadajon,

91 yil umr ko‘rdingiz. Biron marta yuzingizga tik boqolmadim, biron marta yuzingizni, boshingizni silay olmadim. Siz qattiqqo‘l, men esa qo‘rqoq bo‘lganim uchun emas. Dunyoda sizday muloyim, kam gapiradigan, oddiy va sodda insonni bos-hqa uchratmadim.

Umr bo‘yi sizga o‘xshashga, sizdek bo‘lishga intildim, harakat qildim, lekin sizning soyangizcha ham bo‘la olmadim. Siz dunyoning eng mehnatkash, eng pokiza, eng rostgo‘y insoni edingiz. Mana 50 yildirki men ham mehnat qilaman, halol va pok bo‘lishga intilaman, lekin negadir sizdek bo‘lolmayapman, dadajon.

“Bolalarim menga o‘xshamanglar”, derdingiz doimo. Bu gaplaringizning ma’nosiga yoshligimda yetolmasdim, hatto jahlim chiqardi: “Nega dadamga o‘xshamasligim kerak?” derdim. Mana endi tushunyapman, tushunishga intilayapman, nega bunday deganingizni.

Chunki siz o‘qish-yozishni bilmasdingiz; o‘sha mustabid tizim sizni shu holga solgandi. Savodingiz bo‘lmagan holda

teran fikrlaringiz, zeki ish tutardingiz. Olti farzandning hammasini o'qitdingiz, dunyoning eng tarbiyali insonlari bo'lib yetishishimizga harakat qildingiz. Har oltitamiz (4 o'g'il, 2 qiz) maktabda a'lo baholarga o'qigan bo'lsak-da, siz kamida haftada ikki kun maktabga borib, o'qishimizni nazorat qilardingiz. Bizga takror-takror "Menga o'xshamanglar" derdingiz.

Umringizning 50 yilini aravakashlikda o'tkazdingiz, lekin dunyoning eng mashhur adiblari, eng ziyoli olimlari kabi fikr yuritardingiz.

Bilardim, ko'rardim, juda ham qiynalardingiz; barcha ishni o'zingiz qilardingiz. Bizlarga iloji boricha ko'proq o'qishga sharoit yaratardingiz. "O'qinglar, o'qinglar" derdingiz. O'qidik. Men hatto uchta diplom oldim, o'zimning soham bo'yicha yaxshi mutaxassis bo'lib yetishdim, lekin sizning ummondek bilimlaringiz oldida mening bilganlarim tomchidek ham bo'lolmas.

Dunyo ko'rdim, dunyoni kezdim, yaxshi tarjimon bo'ldim. Eng yuksak lavozimdagi insonlarga tarjimonlik qildim. Yurtboshimiz yonida 21 yil ishladim. Tilmochlik qildim. Dunyoning juda ko'p prezidentlari, bosh vazirlari va parlamentarlari bilan uchrashdim. Dunyoga tanildim, lekin sizdek obro'li va e'tiborli bo'lolmadim, dadajon.

Dadajon,

Sizga yaqin bo'lishga intildim, siz bilan do'st va hamroh bo'lishga harakat qildim. Sizga suyanchiq bo'lishga, yoningizda dastak bo'lishga, qilayotgan ishingizni oz bo'lsada yengillatishga intildim. Lekin bu ham qo'limdan kelmadi.

Sizning yelkangizga boshimni qo'yib sizga erkalanishga, ichimdagi dardimni to'kib solishga, siz bilan diydorlashishga, sizdan o'g'it olishga ko'p harakat qildim, intildim. Bu ham qo'limdan kelmadi, dadajon.

Sizni juda qattiq hurmat qilaman. Sizni jonimdan ortiq yaxshi ko'raman. Siz mening tojimsiz, suyangan tog'imsiz. Vujudim, vijdonim, borlig'imsiz. Bu so'zlar tilimda va dilimda har soniya, har onda aylanardi. O'zimda kuch topib, yuzingizga tik boqib shu so'zlarni aytolmadim, dadajon.

Dadajon,

Men sizning oldingizda bir umr qarzdorman. Qaniydi kuchim yetsaydi, irodam dosh berib, shu so'zlarni sizga tirikligingizda ayta olsam edi.

*Qarzimni uzolsam, otam va onam,  
O'zimni baxtiyor his etar edim.  
Hamisha nomingiz qilib qalbga jo,  
Olamdan armonsiz o'tib ketardim.*

Dadajon, o'tinchlarimni qabul qiling. Erkaliklarimni, sho'xliklarimni, etiborsizligimni kechiring. Olim bo'lib, odam bo'lolmagan o'g'lingiz.

**Noyabr 2025**

## Ўтинч

Дадажон,

Сиз ҳақингизда деярли 10 йилдан бери ёзмоқ истайман, лекин негадир халқумимга бир нарса тиқилиб, кўзларимдан ёш оқа бошлайди. Кўп ёзаман, хўп ёзаман, лекин сиз ҳақингизда ёзиш шунчалик қийинки, мана бугун ўзимда куч йиғиб ёзишга қарор қилдим.

Дадажон,

91 йил умр кўрдингиз, бирон марта юзингизга тик боқа олмадим, бирон марта юзингизни, бошингизни силай олмадим. Сиз қаттиққўл, мен эса қўрқоқ бўлганим учун эмас. Дунёда сиздек мулойим, кам гап, камсуқум, оддий ва содда инсонни бошқа учратмадим.

Умр бўйи сизга ўхшашга, сиздек бўлишга интилдим, ҳаракат қилдим, лекин сизнинг соянгизча ҳам бўла олмадим. Сиз дунёнинг энг меҳнаткаш, энг покиза, энг ростгўй инсони эдингиз. Мана 50 йилдирки, мен ҳам меҳнат қиляпман, ҳалол ва пок бўлишга интиляпман, лекин негадир сиздек бўлолмапман, дадажон.

«Болаларим, менга ўхшаманглар», дердингиз доимо. Бу гапларингизнинг маъносига ёшлигимда ета олмасдим, ҳатто жаҳлим чиқарди: «Нега дадамга ўхшамаслигим керак», деб. Мана энди тушуняпман, тушунишга интиляпман нега бундай деганингизни. Чунки сиз ўқиш-ёзишни билмасдингиз, ўша мустабид тизим сизни шу кўйга солганди. Саводингиз бўлмаган ҳолда теран фикрлардингиз, заковат билан иш тутардингиз.

Олти фарзанднинг ҳаммасини ўқитдингиз, дунёнинг энг тарбияли инсонлари бўлиб етишишимизга ҳаракат қилдингиз. Ҳар олти нафаримиз ҳам (4 ўғил, 2 қиз) мактабда аъло баҳоларга ўқиган бўлсак-да, камида ҳафтада икки кун мактабга бориб, ўқишимизни назорат қилардингиз. Бизларга такрор-такрор: «Менга ўхшаманглар», дердингиз. Умрингизнинг 50 йилини аравакашлиқда ўтказдингиз. Лекин дунёнинг энг машҳур адибларидек, энг зиёли олимларидек фикр юритардингиз.

Билар эдим, кўрар эдим, жуда ҳам қийналар эдингиз, ҳамма ишни ўзингиз қилар эдингиз. Бизларга иложи борица кўпроқ ўқишга шароит қилиб берардингиз. «Ўқинглар, ўқинглар», дердингиз. Ўқидик. Мен ҳатто учта дипломли бўлдим, ўз соҳам бўйича яхши мутахассис бўлиб етишдим, лекин сизинг уммондек билимларингиз олдида менинг билганларим томчидек ҳам бўлолмас.

Дунё кўрдим, дунё кездим, яхши таржимон бўлиб етишдим. Энг юксак лавозимдаги инсонларга таржимонлик қилдим. Юртбошимиз ёнида 21 йил ишладим, тилмочлик қилдим. Дунёнинг жуда кўп президентлари, бош вазирлари, парламентарлари билан учрашдим. Дунёга танилдим. Лекин сиздек обрўли, эътиборли бўлолмадим, дадажон.

Дадажон,

Сизга яқин бўлишга интилдим, сиз билан дўст-ўртоқ бўлишга интилдим. Сизга суянч бўлишга, ёнингизда дастак бўлишга, қилаётган ишингизни оз бўлса-да енгиллатишга ҳаракат қилдим. Лекин шу ҳам қўлимдан келмади.

Сизнинг елкангизга бошимни қўйиб, сизга эркаланишга, ичимдаги дардимни тўкиб солишга, сиз билан дийдорлашишга, сиздан ўғит олишга кўп ҳаракат қилдим, интилдим. Бу ҳам қўлимдан келмади, дадажон.

Сизни жуда қаттиқ ҳурмат қиламан. Сизни жонимдан ортиқ яхши кўраман. Сиз менинг тожимсиз, суянган тоғимсиз. Вужудим, виждоним, борлиғимсиз. Бу сўзлар менинг тилимда ҳам, дилимда ҳам ҳар сония, ҳар он айланарди. Лекин ўзимда куч-қувват топиб, юзингизга тик боқиб, шу сўзларни сизга айта олмадим, дадажон.

Дадажон,

Мен сизинг олдингизда бир умр қарздорман. Қанийди кучим етса-ю, иродам дош бериб, шу сўзларни сизга тириклигингизда айта олсам эди.

*Қарзимни узолсам, отам ва онам,  
Ўзимни бахтиёр ҳис этар эдим.  
Ҳамиша номингиз қилиб қалбга жо,  
Оламдан армонсиз ўтиб кетар эдим.*

Дадажон, ўтинчларимни қабул айланг. Эркаликларимни, шўхликларимни, эътиборсиз эканлигимни кечиринг. Олим бўлиб, одам бўлолмаган ўғлингиз.

**Ноябр 2025**

## O Şarkı Söyledi...

*O, halka yakışan şarkılar söylerdi...*

*O, vatana layık şarkılar söylerdi...*

Öyle şarkılar söylerdi ki...

O şarkı söylediğinde, gökyüzünde uçan kuşlar bile kanat çırpmayı bırakır, havada süzülüp kalırdı.

Sahneye çıktığında altı bin kişilik salonda sanki kimse yokmuş gibi davranır, kendini tamamen müziğe verir, coşkuyla söylerdi.

Gözleri her zaman salonun ortasında, on beşinci sıranın yirmi beşinci koltuğunda oturan Farangiz'e takılırdı.

Çünkü Farangiz onun ilham perisiydi.

Herkes onu severdi, herkes onu dinlerdi.

Sovyetler Birliği'nin dört bir yanında sevgiyle karşılanır, alkışlarla ağırlandı.

Bir gün Sverdlovsk (Yekaterinburg) şehrinde konser verirken salondan kendisine bir kâğıt uzattılar.

Kâğıtta şu yazıyordu:

“Batır ağabey, gerçekten kalbinizin yerine bir köpek kalbi mi takıldı?”

O gün konserini güçlkle tamamladı.

Otele gidip kendini koltuğa attı ve hıçkıra hıçkıra ağladı.

Ağlarken içinden hüzünlü bir ses şöyle diyordu:

“Ey insan! Şarkı dinlemeye mi geldin?”

Dinle...

Beğendiysen alkışla, teşekkür et.  
Beğenmediysen yerinden kalk ve salonu terk et.”

Bu konserden sonra onu yeniden ameliyat masasına yatırdılar.  
Kalbi yine onu zorluyordu, durumu ağırdı.  
Ameliyatı yapan dünyaca ünlü cerrah Boguş hüüzünlü bir sesle:  
“Bu insan artık bir daha asla şarkı söyleyemez,” dedi.

Ama iki ay geçmeden Moskova Kremlin’de onun yine şarkı söylediğini gören Boguş şaşkınlıkla:

“Ölmüş bir insanın şarkı söylediğini ilk kez görüyorum,” dedi.

Dünyanın yiğit kozmonotu Yuri Gagarin, onun “Arap Tango” adlı şarkısını yanına alarak uzaya çıkmıştı.

Bin dokuz yüz seksen dördüncü yılın şubat ayının yirmi beşinde, bir cuma günü,  
Farangiz canından çok sevdiği, hasretle beklediği sevgilisinin yanına doğru yola çıktı.

Uçak Moskova’dan kalkıp Taşkent’e indi.

Farangiz hanım taksiyle Taşkent şehrindeki Cengah Sokağı’na vardığında,  
Ünlü şarkıcının evinden halk onun tabutunu çıkarıyordu.

Hanımın gözlerinden kışın ayazında buz kesmiş gibi düşen gözyaşları yere çarpıp parçalanıyordu.  
Sanki onun kalbi paramparça ediliyordu.

*O, halka yakışan şarkılar söylerdi...*

*O, vatana layık şarkılar söylerdi...*

**Ekim 1986**

## U qo‘shiq kuylardi...

*U qo‘shiq kuylardi el sha’niga mos...*

*U qo‘shiq kuylardi yurt sha’niga xos...*

U shunday qo‘shiq kuylardiki... U qo‘shiq kuylaganda hatto osmondan uchib borayotgan qushlar ham qanot saqlab parvozini to‘xtatar ekan. U sahnaga chiqqanida olti ming kishilik saroyda go‘yo hech kim yo‘qdek o‘zini tutar, berilib, eshilib kuylardi. Ko‘zlari hamisha saroyning o‘rtasida o‘n beshinchi qatorning yigirma beshinchi o‘rindig‘ida o‘tirgan Farangizga termular ekan, chunki Farangiz uning ilhom parisi sanalardi. Uni hamma sevardi, uni hamma tinglardi. Sovetlar Ittifoqining hamma burchagida uni sevib, olqishlar bilan kutib olishardi.

Bir kuni Sverdlovsk (Yekaterinburg) shahrida qo‘shiq kuylayotganida zaldan bir parcha qog‘oz uzatishdi. Qog‘ozda: “Botir aka, rostdan ham yuragingizga it yuragini qo‘yishganmi?” — deb so‘rashgandi.

O‘sha kuni u konsertini bazo‘r bitkazdi. Mehmonxonaga borib, o‘zini divanga otdi-yu, ho‘ngrab yig‘lab yubordi. Yig‘lar ekan, ichi-dagi mungli tovush shunday derdi: “Ey inson, qo‘shiq tinglagani keldingmi — tingla, yoqsa qarsak chal. Rahmat ayt. Yoqmasa o‘rningdan tur-da, zalni tark et.”

Shu konsertdan keyin u yana operatsiya stoliga yotqizildi. Yana qalbi qiynayotgan edi, jarohati og‘ir edi. Operatsiya qilgan akademik Bogish:

“Bu inson endi hech qachon qo‘shiq kuylamaydi”, — dedi mahzun ovozda.

Lekin ikki oy o'tmay, Moskva Kremlida uning qo'shiq kuylayotganini ko'rgan Bogish: "O'lgan insonning qo'shiq kuylashini ilk bor ko'rishim", — deya hayratlandi.

Dunyoning mard fazogiri Yuriy Gagarin uning "Arab tango"sini o'zi bilan birga kosmosga olib chiqqandi.

Bir ming to'qqiz yuz sakson to'rtinchi yil fevral oyining yigirma beshida, juma kuni, Farangiz jonidan ortiq sevgan, uni orziqib kutayotgan sevgilisi yoniga otlandi. Samolyot Moskva-dan Toshkentga kelib qo'ndi. Farangiz xonim taksida Toshkent shahridagi Jangoh shoh ko'chasiga yetib kelganida, mashhur qo'shiqchining xonadonidan xaloyiq uning tobutini olib chiqib ketayotgan edi.

Xonimning ko'zlaridan qishning ayozida muzga aylanib tushayotgan yoshlar yerga tushib parchalagandek bo'lardi. Go'yo uning yuragini ham parchalagandek...

*U qo'shiq kuylardi el sha'niga xos...*

*U qo'shiq kuylardi yurt sha'niga xos...*

**1986-yil oktabr**

## У қўшиқ куйларди...

*У қўшиқ куйларди, эл шаънига мос...*

*У қўшиқ куйларди, юрт шаънига хос...*

У шундай қўшиқ куйлардики, у қўшиқ куйлаганда ҳатто осмонда учиб бораётган қушлар ҳам қанот сақлаб, парвозини тўхтатар экан. У саҳнага чиққанида олти минг кишилиқ саройда гўё ҳечким йўқдек ўзини тутар, берилиб, эшилиб куйларди. Кўзлари ҳамиша саройнинг ўртасида, ўн бешинчи қаторнинг йигирма бешинчи ўриндиғида ўтирган Фарангизга термулар экан, чунки Фарангиз унинг илҳом париси саналарди. Уни ҳамма севарди, уни ҳамма тингларди. Советлар иттифоқининг ҳамма бурчагида уни севиб, олқишлар билан кутиб олишарди.

Бир куни Свердловск (Йекатеринбург) шаҳрида қўшиқ куйлаётганида залдан бир парча қоғоз узатишди. Қоғозда: «Ботир ака, ростан ҳам юрагингизга ит юрагини қўйишганми?» — деб сўрашганди.

Ўша куни у концертини базор битказди. Меҳмонхонага бориб, ўзини диванга отилиб, ҳўнграб йиғлаб юборди. Йиғларкан ичида мунгли товуш шундай дерди: «Эй, инсон, қўшиқ тинглагани келдингму? Тингла, ёқса қарсак чал; раҳмат айт, ёқмаса ўрнингдан турда зални тарк эт».

Шу концертдан кейин у яна оператсия столига ётқизилди. Қалби яна қийналган эди, жароҳати оғир эди. Оператсияни қилган академик Богуш шундай деган эди: «Бу

инсон энди ҳеч қачон қўшиқ куйламайди», — деди махзун овозда. Лекин икки ой ўтмай, Москва Кремлда унинг қўшиқ куйлаётганини кўрган Богуш шунчилик ҳайратланди: «Ўлган инсоннинг қўшиқ куйлашини илк марта кўрдим», — деб.

Дунёнинг мард фазогири Юрий Гагарин унинг «Араб тангоси»ни ўзи билан бирга космосга олиб чиққанди.

Бир минг тўққиз юз саксон тўртинчи йил, феврал ойининг йигирма бешида, жума куни, Фарангиз жондан ортиқ севган, уни орзиқиб кутаётган севгилиси ёнига отланди. Самолёт Москвадан Тошкентга келиб қўнди. Фарангиз хоним таксида Тошкент шаҳридаги Жангоҳ шохкўчасига етиб келганида, машҳур қўшиқчининг хонадонидан халойиқ унинг тобутини олиб чиқиб кетаётган эди.

Хонимнинг кўзларидан қишнинг аёзидан музга айланиб тушаётган ёшлар ерга тушиб, парчаланиб кетарди. Гўё унинг юрагини парчалагандек.

*У қўшиқ куйларди, эл шаънига хос...*

*У қўшиқ куйларди, юрт шаънига хос...*

**1986-йил октябрь**

## Aşk

Ah, aşk!  
Sen sıradan bir kelimesin,  
Ama anlamına varmak ne kadar zor.  
Ben de senin anlamına ulaşmak istedim.  
Tarihin sayfalarını çevirdim durdum, çevirdim durdum.  
Gözlerimin önünden birer birer geçti:  
Nevâî ile Gülî, Ferhat ile Şirin, Leyla ile Mecnun, Aslı ile Kerem...  
Bunların hepsi aşk ateşinde yanıp kül oldular.

Ah, aşk!  
Sen benim başıma da ne günler getirmedin.  
Hâlâ hatırlarım;  
Bahar vakti bülbül gibi uçup bahçeme konmuştun da  
Yılan gibi sokup gittin, beni terk ettin.  
Sevgimizi ayaklar altına aldın.  
Seni andıkça gözlerimden yaşlar dökülür.  
Yok, yok... Bu yaş değil, kan dökülür.

Akan kanları mürekkep yaptım  
Ve yazmaya başladım:

Sevgilimin ellerinde demet demet çiçek,  
O çiçeklerle beni bekler, beni bekler o.  
Yârin elindeki çiçekler asla solmasın,  
Eğer solar ise, o gonca gönül hazan olur.

Gel, gel ey güzelim, seni beklerim,  
Eğer razı olursan, cananım, seni alırım.

Girdim yârin bahçesine,  
Çiçekler açmıştı.

O yâr için kalbime  
Bir hañçer saplanmıřtı.

Gel, gel ey güzelim, seni beklerim,  
Eđer razı olursan, cananım, seni alırım.

Yüzdüm yârin nehrinde,  
Yelken batmadı.  
Gençliğimde bir yâr sevdim,  
Ama bana nasip olmadı.

Gel, gel ey güzelim, seni beklerim,  
Eđer razı olursan, cananım, seni alırım.

Verdiğin ret cevabından sonra, canan,  
Gonca gönül incindi.  
Madem nasip deęilmiř,  
Bari abi-kardeř olalım.

Madem nasip deęilmiř,  
Bari abi-kardeř olalım.

Gel, gel ey güzelim, seni beklerim,  
Eđer razı olursan, cananım, seni alırım.

“Aradan bin yıllar geçse bile,  
Tanrım sana da bana da uzun ömür verse,  
Bařımızdaki saçlar kar gibi bembeyaz olsa,  
Yüzümüz kırışıklıklarla dolsa bile,  
Hiç olmazsa beni bir kez ansan...  
Kalbimin ateři, evimin başköřesi senindir.  
Gel, gel... Seni bekliyorum.”

**20 Nisan 1978**

## Muhabbat

Oddiy bir soʻzsan,  
Ammo maʼnonga yetmoqlik shunchalik mushkulkim,  
Men ham sening maʼnonga yetmoq istadim.  
Tarix varaqlarini sahifalayverdim, sahifalayverdim,  
Koʻz oʻngimdan oʻtar birma-bir:  
Navoiy – Guli, Farhod-u Shirin, Layli-yu Majnun, Asli-yu Karam.  
Bularning hammasi ishq oʻtida yonib kul boʻldilar.

O, muhabbat!  
Sen mening boshimga ham ne kunlarni solmading.  
Hamon eslaydurman: bahor chogʻi bulbul kabi uchib kelib  
bogʻimga qoʻnding-u,  
Ilondayin nish urib ketding, sen meni tashlab ketding.  
Sevgimizni paymol etding. Men seni eslar ekanman, koʻzlarim-  
dan yoshlar tomadur.  
Yoʻq, yoʻq, yoshlar emas — qonlar tomadur.

Tomayotgan qonlarni siyoh qilib oldim-u, yoza boshladim:

Dilbarimning qoʻllarinda dasta-dasta gul,  
Shu gullar-la meni kutar, meni kutar ul.  
Yor qoʻlinda dasta gullar soʻlmasin aslo,  
Soʻlsa agar xazon boʻlgʻay gʻuncha ul koʻngil.

Kel, kel, ey goʻzalim, kutgayman seni,  
Agar rozi boʻlsang, jonon, olgayman seni.

Kirdim yorning bogʻiga men,  
Gullar ochilgan.

O'shal yor uchun yuragimga  
Xanjar sanchilgan.

Kel, kel, ey go'zalim, kutgayman seni,  
Agar rozi bo'lsang, jonon, olgayman seni.

Suzdim yorning daryosida,  
Yelkan cho'kmadi.  
Yosh chog'imda bir yor sevdim,  
Menga tegmadi.

Kel, kel, ey go'zalim, kutgayman seni,  
Agar rozi bo'lsang, jonon, olgayman seni.

Bergan rad javobingdan, jonon,  
G'ash bo'ldi g'uncha ko'ngil.  
Mayli, tegmas ekansan,  
Bo'laylik aka-singil.

Mayli, tegmas ekansan,  
Bo'laylik aka-singil.

Kel, kel, ey go'zalim, kutgayman seni,  
Agar rozi bo'lsang, jonon, olgayman seni.  
“Gar oradan ming yillar o'tsa hamki,  
Tangrim sen-u menga uzoq umr bersa-yu,  
Boshimizdagi sochlar oppoq qordek oqarib,  
Yuzimizga ajinlar to'lsa ham,  
Hech bo'lmasa meni bir karra yod etsang —  
Qalbimning qo'ri, uyimning to'ri sen uchun.  
Kel, kel, kutaman seni...”

**20-aprel 1978**

## Муҳаббат

О, муҳаббат!  
Оддий бир сўзсан,  
Аммо маънонгга етмоқлик шунчалик мушкулким,  
Мен ҳам сенинг маънонгга етмоқ истадим.  
Тарих варақаларини саҳифалайвердим, саҳифалайвердим,  
Кўз ўнгимдан ўтар бирма-бир:  
Навоий – Гули, Фарҳод-у Ширин,  
Лайли-ю Мажнун, Асли-ю Карам.  
Буларнинг ҳаммаси ишқ ўтида ёниб кул бўлдилар.

О, муҳаббат!  
Сен менинг бошимга ҳам не кунларни солмадинг.  
Ҳануз эслайдурман: баҳор чоғи  
Булбул каби учиб келиб боғимга қўндинг-у,  
Илондек ниш уриб кетдинг,  
Сен мени ташлаб кетдинг.  
Севгимиз паймол этилди.

Мен сени эслар эканман,  
Қўзларимдан ёшлар томадур.  
Йўқ, йўқ, ёшлар эмас — қонлар томадур.

Томаётган қонларни сиёҳ қилиб олдим-у,  
Ёза бошладим:

Дилбаримнинг қўлларида даста-даста гул,  
Шу гуллар ила мени кутар, мени кутар ул.  
Ёр қўлида даста гуллар сўлмасин асло,  
Сўлса агар, хазон бўлғай ғунча ул қўнгил.

Кел, кел, эй гўзалим, кутгайман сени,  
Агар рози бўлсанг, жонон, олгайман сени.

Кирдим ёрнинг боғига мен —  
Гуллар очилган.  
Ушал ёр учун юрагимга  
Ханжар санчилган.

Кел, кел, эй гўзалим, кутгайман сени,  
Агар рози бўлсанг, жонон, олгайман сени.

Суздам ёрнинг дарёсида —  
Елкам чўкмади.  
Ёш чоғимда бир ёр севдим,  
Менга тегмади.

Кел, кел, эй гўзалим, кутгайман сени,  
Агар рози бўлсанг, жонон, олгайман сени.

Берган рад жавобингдан, жонон,  
Ғаш бўлди ғунча кўнгил.

Маили, тегмас экансан,  
Бўлайлик ака-сингил.

Маили, тегмас экансан,  
Бўлайлик ака-сингил.  
Кел, кел, эй гўзалим, кутгайман сени,  
Агар рози бўлсанг, жонон, олгайман сени.  
«Гар орадан минг йиллар ўтса ҳамки,  
Тангрим сен-у менга узоқ умр берса-ю,  
Бошимиздаги сочлар оппоқ қордек оқариб,  
Юзимизга ажинлар тўлса ҳам,  
Ҳеч бўлмаса мени бир қарра ёд этсанг...  
Қалбимнинг қўри, уйимнинг тўри сен учун.  
Кел, кел, кутаман сени...»

20 апрель 1978 йил

## Gönlüm Dağ Oldu, Dağ Oldu...

Seni bağrıma basamadım,  
Gönlüm dağ\* oldu, dağ oldu.  
Seni mezara koyamadım,  
Gönlüm dağ oldu, dağ oldu.  
Sonbahardı...

Kasım ayının son günleri idi.  
Yetmiş günlük pamuk tarlasından döndükten sonra  
Kardeşim Bahadır'ı (Hocobod'dan)  
Ve onun sevgilisi Şahista'yı alıp köye geldim.  
Çünkü "Afgan" dediğimiz kardeşim İlhamcan evleniyordu  
(İki yıl Afganistan'da askerlik yaptığı için herkes ona Afgan derdi).

Üç aylık ayrılıktan sonra oğlumu gördüm,  
Bağrıma bastım, okşadım.  
Sabaha kadar onunla konuştum.  
Çünkü on aylık oğlumu ancak  
Üçüncü ya da dördüncü kez görebiliyordum.  
İş, pamuk ve merhametsizlik bizi bu hâle getirmişti.

Düğün güzel geçti.  
Şahista ile Bahadır Taşkent'e gittiler.  
Ben ise Cizzah'a doğru yola çıktım.  
Çünkü pamuk topladığımız sovhozla hesaplaşmam  
Ve öğrencilerin ücretlerini alıp dönmem gerekiyordu.

Soğuk çok şiddetli olmasına rağmen  
Koştum, uğraştım, işlerimi bitirdim.  
Artık dönmeliydim.

Bir yanım Taşkent'e git diyordu;  
Çünkü yanımda büyük miktarda para vardı.  
Diğer yanım ise:  
“Evine dön, Gulistan’a.  
Hiç olmazsa bir gün daha evinde kal,  
Çocuğunun yüzüne doya doya bak,” diyordu.  
Üstelik Taşkent uzaktı, Gulistan yakındı.

Akşam saat sekiz buçuk sularında eve vardım.  
Kapıdan girmek üzereyken annemi eşikte gördüm.  
Gözleri dolu dolu:  
“Geldin mi yavrum?” dedi.  
“Gir içeri...”

Misafir odasına girdiğimde  
Sedirde ondan fazla akraba oturuyordu.  
Aşağıda ise dört beş kadın arasında eşimi gördüm.  
Nedense siyah giyinmişti,  
Gözleri ağlamaktan kıpkırmızıydı.

Başköşede oturan amcam Şahimerdan beni görünce:  
“Bu da kulun kaderi, yeğen,” dedi.  
O anda annem hıçkırarak ağlamaya başladı.  
Dayım, bazı şeylerden habersiz olduğumu anlayınca  
Ne yapacağını bilemedi.

Geri kalanını Dilber’imden öğrendim...

Ben sabah erkenden Cizzah’a doğru yola çıktığımda,  
Gece boyu benimle tatlı tatlı “sohbet eden”  
On aylık oğlum İlyas ağlamaya başlamış.

Durmadan ağlamış.  
Dili yok zavallının,  
Neden ağladığını kimse anlayamamış.

Saat ona doğru doktora haber vermişler.  
Doktor iyice muayene etmiş:  
“Çocuğunuz sapasağlam,  
Neden ağladığı benim için de bir muamma,” demiş.

Evdekiler perişan,  
Herkes koşuşturup durmuş  
Ama kimse ağlamasını durduramamış.

Sonra köyün doksan altı yaşındaki ninesi  
Satut nineyi çağırmişlar.  
Nine bebeğe bakarak dualar etmiş,  
Ama ağlama dinmemiş.  
Bunun üzerine nine eşime dönüp:  
“Babasına ait bir fotoğrafı ya da gömleği var mı?” diye sormuş.  
Dilber de benim yirmi yaşında,  
Öğrencilik yıllarımda çekilmiş,  
Güzel bir şala sarılı fotoğrafımı  
Ve çok sevdiğim için neredeyse her gün giydiğim gömleğimi getirmiş.

Nine gömleği bebeğin üzerine örtmüş,  
Fotoğrafı da gözlerine yaklaştırmış.  
Yaklaşık dört saattir durmadan ağlayan bebek  
Önce susmuş,  
Sonra yavaş yavaş gülümsemeye başlamış.

Fotoğraf uzaklaştırılınca yine ağlamış,  
Yaklaştırılınca gülümsemiş...

Yarım saat sonra  
Bebek hayata veda etmiş.

Zavallı,  
Henüz yaşına dolmadan,  
Babasının sevgisine kanamadan  
Bu hâle düşmüş...  
Bunları nine söylemiş.

Öğlen saat iki civarında  
Oğlumu bensiz toprağa vermişler...

Geri kalanını siz zaten biliyorsunuz...

Sana bağıma alamadan,  
Gönlüm dağ oldu, dağ oldu  
Seni mezara koyamadım,  
Gönlüm dağ oldu dağ oldu.

*\*Dağ - leke, kirlenmek*

**1 Ocak 1985**

## **Ko'ngil dog' bo'ldi, dog' bo'ldi**

*Seni bag'rimga bosolmay —  
Ko'ngil dog' bo'ldi, dog' bo'ldi.  
Seni qabrga qo'yolmay —  
Ko'ngil dog' oldi, dog' oldi...*

Kuz. Noyabrning so'nggi kunlari edi.

Yetmish kunlik paxta dalasidan qaytgach, ukam Bahodir (Xo'jabad) va uning sevgili yori Shohistani olib qishloqqa keldim. Chunki “afg'on” ukam Ilhomjon uylanayotgan edi (U ikki yil Afg'onistonda xizmat qilgani uchun hamma uni “afg'on” der edi).

Uch oylik tanaffusdan so'ng o'g'limni ko'rdim, bag'rimga bosdim, erkaladim. Tonggacha u bilan suhbat qurdim. Chunki o'n oylik bo'lgan o'g'ilchamni atigi uchinchi yoki to'rtinchi bor ko'rayotgan edim. Ish, paxta va bemehrlilik hayotni shu kuyga solgan edi.

To'y yaxshi o'tdi. Shohista bilan Bahodir Toshkentga ketishdi. Men esa Jizzaxga yo'l oldim. Chunki paxta tergan sovxozimiz bilan hisob-kitob qilishim va talabalarning haqqini olib qaytishim kerak edi.

Juda qattiq sovuq bo'lishiga qaramay, yugurdim-yeldim, ishlarimni bitirdim. Endi qaytishim kerak edi. Ko'nglim bir Toshkentga jo'na der edi, chunki katta miqdorda pul olgan edim. Ichimdan esa:

— Uyingga qayt, Gulistonga. Hech bo'lmasa yana bir kun uyingda bo'l, bolangning diydoriga to'y, — der edi.

Uning ustiga Toshkent uzoq, Guliston esa yaqin edi. Kechki soat sakkiz yarimlarda uyimga yetib keldim. Uyga kirmoqchi edim, ostonada onamni ko‘rdim.

— Keldingmi, bolam? — dedilar yig‘lamsirab. — Kir uyga...

Mehmonxonaga kirganimda, so‘rida o‘ndan oshiq qarindoshlar o‘tirar edi. Pastda esa to‘rt-besh ayol ichida rafiqamni ko‘rdim. Negadir u qora kiyimda, ko‘zlari yig‘idan qizargan edi. To‘rda o‘tirgan Shohimardon amakim meni ko‘rib:

— Bandachilikda, jiyan... — dedilar.

Shunda oyim ho‘ngrab yig‘lab yubordilar. Tog‘am esa mening ba‘zi voqealardan bexabar ekanligimni bilib, o‘sal bo‘lib qoldilar.

Qolganlarini Dilbarimdan eshitdim...

Men erta tongda Jizzaxga yo‘l olganimda, men bilan tonggacha shirin suhbat qilgan o‘n oylik o‘g‘lim Ilyos yig‘lay boshlabdi. Tinmay yig‘larmish. Tili yo‘q bechora — nimaga yig‘layotganini hech kim bilolmasmish.

Soat o‘nlariga yaqinlashganda shifokor chaqirishibdi. Shifokor obdon tekshirib ko‘rib:

— Bolangiz soppa-sog‘, nima uchun yig‘layotgani men uchun qorong‘u, — debdi.

Uydagilar parishon. Hamma yelib-yugurib yuribdi. Lekin hech kim yig‘ini to‘xtata olmas ekan. Shunda qishloqning to‘qson olti yoshli momosi — Satut momoni chaqirishibdi.

Momo chaqaloqqa termulgancha duolar qilibdi. Lekin yig‘i to‘xtamabdi. Shunda momo rafiqamga qarab:

— Otasining biror surati yoki ko‘ylagi bormi? — deb so‘rabdi.

Dilbar esa mening yigirma yoshligimda, studentlik oltin davrimda tushgan, chambarga o‘ralgan bir suratimi va deyarli har kuni yaxshi ko‘rganimdan bekitib kiygan ko‘ylagimni olib kelib beribdi.

Momo ko‘ylakni chaqaloqning ustiga yopibdi. Suratni esa uning ko‘z oldiga tutibdi. To‘rt soatdan beri tinmay yig‘layotgan bola avvaliga jimib qolibdi, keyin esa asta-sekin kulimsiray boshlabdi. Suratni uzoqlashtirishsa, yana yig‘larmish. Yaqinroq tutsalar, jilmayarmish.

Oradan yarim soat o‘tgach, bola jon taslim qilibdi. Sho‘rlik hali yoshiga yetmagan go‘dak otasining mehriga to‘ya olmagani uchun shu ahvolga tushgan ekan... Bu gaplarni momo aytibdi.

Tushki soat ikkida o‘g‘limni mensiz qabrga qo‘yishibdi. Qolgan voqealarni siz yaxshi bilasiz...

*Sening mehringga to‘yolmay,  
Ko‘ngil dog‘ bo‘ldi, dog‘ bo‘ldi.  
Seni qabrga qo‘yolmay,  
Ko‘ngil dog‘ bo‘ldi, dog‘ bo‘ldi ...*

**1-yanvar 1985-yil**

## Кўнгил доғ бўлди, доғ бўлди

*Сени бағримга босолмай —  
Кўнгил доғ бўлди, доғ бўлди.  
Сени қабрга қўёлмай —  
Кўнгил доғ бўлди, доғ бўлди ...*

Куз. Ноябрьнинг сўнги кунлари эди. Етмиш кунлик пахта даласидан қайтгач, укам Баҳодир (Хўжабод) ва унинг севгили ёри Шоҳистани олиб қишлоққа келдим. Чунки «афғон» укам Илҳомжон уйланаётган эди (У икки йил Афғонистонда хизмат қилгани учун ҳамма уни «афғон» дер эди).

Уч ойлик танаффусдан сўнг ўғлимни кўрдим, бағримга босдим, эркаладим. Тонггача у билан суҳбат қурдим. Чунки ўн ойлик бўлган ўғилчамни атиги учинчи ёки тўртинчи бор кўраётган эдим. Иш, пахта ва бемехрлик ҳаётни шу куйга солган эди.

Тўй яхши ўтди. Шоҳиста билан Баҳодир Тошкентга кетишди. Мен эса Жиззахга йўл олдим. Чунки пахта терган совхозимиз билан ҳисоб-китоб қилишим ва талабаларнинг ҳаққини олиб қайтишим керак эди.

Жуда қаттиқ совуқ бўлишига қарамай, югурдим-елдим, ишларимни битирдим. Энди қайтишим керак эди. Кўнглим бир Тошкентга жўна дер эди, чунки катта миқдорда пул олган эдим. Ичимдан эса: — Уйингга қайт, Гулистонга. Ҳеч бўлмаса яна бир кун уйингда бўл, болангнинг дийдорига тўй, — дер эди. Унинг устига Тошкент узоқ, Гулистон эса яқин эди.

Кечки соат саккиз яримларда уйимга етиб келдим. Уйга кирмоқчи эдим, остонада онамни кўрдим.

— Келдингми, болам? — дедилар йиғламсираб. — Кир уйга...

Меҳмонхонага кирганимда, сўрида ўндан ошиқ қариндошлар ўтирар эди. Пастда эса тўрт-беш аёл ичида рафиқамни кўрдим. Негадир у қора кийимда, кўзлари йиғидан қизарган эди. Тўрда ўтирган Шоҳимардон амаким мени кўриб:

— Бандачиликда, жиян... — дедилар.

Шунда ойим ҳўнграб йиғлаб юбордилар. Тоғам эса менинг баъзи воқеалардан беҳабар эканлигимни билиб, ўсал бўлиб қолдилар.

Қолганларини Дилбаримдан эшитдим...

Мен эрта тонгда Жиззахга йўл олганимда, мен билан тонггача ширин суҳбат қилган ўн ойлик ўғлим Илёс йиғлай бошлабди. Тинмай йиғлармиш. Тили йўқ бечора — нимага йиғлаётганини ҳеч ким билолмасмиш.

Соат ўнларга яқинлашганда шифокор чақиришибди. Шифокор обдон текшириб кўриб:

— Болангиз соппа-соғ, нима учун йиғлаётгани мен учун қоронғу, — дебди.

Уйдагилар паришон. Ҳамма елиб-югуриб юрибди. Лекин ҳеч ким йиғини тўхтата олмас экан. Шунда қишлоқнинг тўқсон олти ёшли момоси — Сатут момони чақиришибди.

Момо чақалоққа термулганча дуолар қилибди. Лекин йиғи тўхтамабди. Шунда момо рафиқамга қараб:

— Отасининг бирор сурати ёки кўйлаги борми? — деб сўрабди.

Дилбар эса менинг йигирма ёшлигимда, студентлик олтин давримда тушган, чамбарга ўралган бир суратиимни ва деярли ҳар куни яхши кўрганимдан бекитиб кийган кўйлагимни олиб келиб берибди.

Момо кўйлакни чақалоқнинг устига ёпибди. Суратни эса унинг кўз олдига тутибди. Тўрт соатдан бери тинмай йиғлаётган бола аввалига жимиб қолибди, кейин эса аста-секин кулимсирий бошлабди. Суратни узоқлаштиришса, яна йиғлармиш. Яқинроқ тутсалар, жилмаярмиш.

Орадан ярим соат ўтгач, бола жон таслим қилибди.

Шўрлик ҳали ёшига етмаган гўдак отасининг меҳрига тўя олмагани учун шу аҳволга тушган экан... Бу гапларни момо айтибди.

Тушки соат иккида ўғлимни менсиз қабрга қўйишибди.

*Қолган воқеаларни сиз яхши биласиз...*

*Сенинг меҳрингга тўёлмай,*

*Кўнгил доғ бўлди, доғ бўлди.*

*Сени қабрга қўёлмай,*

*Кўнгил доғ бўлди, доғ бўлди ...*

**1 январь 1985 йил**

## Kız Kardeşimden Mektup

Ağabeyciğim,  
Aslında yazmak istemiyordum ama  
Acı gerçeği başkalarından değil,  
Bizzat benden duy diye yazıyorum.

O gün sen Taşkent'e gittikten sonra,  
Öğleye doğru annemizi kaybettik.  
Ağabeyciğim,  
“Allah'ın takdiri” dersin,  
“Yaradan sabır versin” dersin,  
Ama bu acıya dayanmak mümkün değil.

Artık sen eve geldiğinde  
Seni sevinçle karşılayacak kim olacak?  
Kim başını okşayıp  
“Benim de oğlum Taşkent'i fethetti” diye gururlanacak?  
Kim sana kendi elleriyle çörek pişirecek,  
Aş yapacak?  
Kim seni şımartıp,  
“Sevdiğin kızını söyle, ben kendim dünür olurum,  
Kimsenin görmediği görkemli bir düğün yaparım” diyecek?..

Eve insan seli doldu,  
Bütün köy onu son yolculuğuna uğurladı.  
Herkes bir ağızdan  
“O köyümüzün vicdanıydı” dedi.  
Annemizi toprağa verip eve dönerken,  
Avlumuzun üst tarafındaki arık başından

Ablam Mastura'nın feryadı duyuldu.  
Koşup gidince bir de ne göreyim:  
Daha dört bahar görmüş olan  
Kardeşim İnomcan suda cansız yatıyordu.

Ey Allah!  
Bir günde bir evde iki ölüm,  
İki cenaze...  
Söyle, hangi yürek buna dayanır?  
Bu felakete nasıl sabrederiz?

Annemiz diyelim ki altmışını geçmişti,  
Peki henüz dili tam çözülmemiş,  
Akı kararı ayıramayan  
Dört yaşındaki çocuğun ne suçu vardı?  
Artık sen Taşkent'ten geldiğinde,

“Ağabey, bana horoz şekeri getirdin mi?” diye  
Kim koşup gelecek?  
Artık kim boynuna sarılacak, ağabeyciğim?

Ağlaya ağlaya gözlerimde yaş kalmadı,  
Yüreğim sızlıyor,  
Başım zonkluyor.  
Siz de zor durumdasınız biliyorum,  
Beni affet ağabeyciğim.

Seni bir an önce bekliyoruz.  
Kız kardeşin, Dilaram.

**25 Ağustos 1975**

## Singlimdan xat

Akajon! Aslida yozmoqchi emasdim, ammo achchiq haqiqatni birovlardan emas, o‘zimdanda eshiting deya yozayapman, akajon.

O‘sha kuni siz Toshkentga ketkuningizdan keyin, tushga yaqin onaizorimizdan ayrilib qoldik. Akajon, Allohning irodasi ekan dersiz, yaratkan sabr bersin dersiz, lekin chidab bo‘lmas og‘riq ekan, akajon. Endi siz uyga kelsangiz, kim girgитton bo‘lib kutib oladi? Kim boshingizni silab, “mening ham o‘g‘lim Toshkentni zabt etdi” deb g‘ururlanadi? Kim sizga o‘z qo‘llari bilan kulcha pishiradi? Osh damlaydi? Kim sizni erkalab, ham erkalanib, “o‘g‘lim sevganingni ayt, o‘zim sovchi bo‘lib boraman, hechkim ko‘rmagan badabang to‘y qilib beraman” deydi?

Uyga tumonat odam yig‘ildi, butun qishloq u kishini so‘ngi makoniga kuzatishdi. Hammasi bir ovozdan: “U qishloqimizning vijdoni edi” deyishdi.

Onamizni qabristonga qo‘yib, uyga qaytishayotganda hovlimiz tepasidagi ariq boshidan opam Masturaning dod solib yig‘lagani eshitildi. Yugurib kelib, ne ko‘z bilan ko‘raykim, endigina to‘rt bahorni qarshilagan Inomjon ukam suvda o‘lik yotardi.

Ey Xudo, bir kunda bir uyda ikki o‘lik, ikki janaza, ayt-kin, qay yurak bunga dov bersin, bu ko‘rgilikka qanday chidaymiz? Onaizorim, mayli, oltmishdan oshgan deylik, hali tili to‘liq

chiqib ulgurmagan, oq qorani tanimagan to‘rt yasharli go‘dakda ne ayb? Endi siz Toshkentdan kelayotganingizda “Menga Toshkentdan xo‘rozqand olib keldingizmi?” deb kim yugurib chiqadi, akajon? Endi kim sizning bag‘ringizga otilib keladi, akajon?

Yig‘layverib, yig‘layverib, ko‘zlarimda yosh ham qolmadi, yuragim zirqirab og‘riyapti, boshim uvillab ketyapti. Sizni ham qiyin ahvolga solib qo‘ydim, kechiring meni, akajon.

Sizning tez yetib kelishingizni kutib,

Singlingiz, Dilorom.

**25 avgust 1975-yil**

## Синглимдан хат

Акажон! Аслида ёзмоқчи эмасдим, аммо аччиқ ҳақиқатни бировлардан эмас, ўзимдан эшитинг дея ёзаяпман, акажон.

Ўша куни сиз Тошкентга кетганингиздан кейин, тушга яқин онаизоримиздан айрилиб қолдик. Акажон, Аллоҳнинг иродаси экан дерсиз, яратган сабр берсин дерсиз, лекин чидаб бўлмас оғриқ экан, акажон. Энди сиз уйга келсангиз, ким гиргиттон бўлиб кутиб олади? Ким бошингизни силаб, менинг ҳам ўғлим «Тошкентни забт этди» деб ғурурланади? Ким сизга ўз қўллари билан кулча пиширади, ош дамлайди? Ким сизни эркалаб ҳам эркаланиб: «Ўғлим севганингни айт, ўзим совчи бўлиб бораман, ҳечким кўрмаган бадабанг тўй қилиб бераман», дейди?

Уйга тумонат одам йиғилди, бутун қишлоқ у кишини сўнги маконига кузатишди. Ҳаммаси бир овоздан: «У қишлоғимизнинг виждони эди», дейишди.

Онамизни қабристонга қўйиб, уйга қайтишаётганда ҳовлимиз тепасидаги ариқ бошидан опам Мастуранинг дод солиб йиғлагани эшитилди. Югуриб келиб, не кўз билан кўрайким, эндигина тўрт баҳорни қаршилаган Иномжон укам сувда ўлик ётарди.

Эй Худо, бир кунда бир уйда икки ўлик, икки жаноза! Айткин, қай юрак бунга дов берсин? Бу кўргиликка қандай чидаймиз? Онаизорим майли олтмишдан ошган дейлик, ҳали

тили тўлиқ чиқиб улгурмаган, оқ қорани танимаган тўрт яшарли гўдакда не айб?

Энди сиз Тошкентдан келаётганингизда, «Менга Тошкентдан хўрозқанд олиб келдингизми?» деб ким югуриб чиқади, акажон? Энди ким сизнинг бағрингизга отилиб келади, акиажон?

Йиғлайвериб, йиғлайвериб, кўзларимда ёш ҳам қолмади. Юрагим зирқираб оғрияпти, бошим увиллаб кетяпти. Сизни ҳам қийин аҳволга солиб қўйдим, кечиринг мени, акажон.

Сизнинг тез етиб келишингизни кутиб,

Синглингиз, Дилором.

**25 август 1975-йил.**

## Kızıl Yanaklar

*Kızıl yanaklar, al yanaklar,  
Sevgilisine dokunamamış titrek dudaklar.*

Üniversiteye adım attığım ilk gün, üniversite bahçesinde onu gördüm ve büyüledim. O an kalbimde bir şimşek çakmış gibiydi, sanki bir ömür boyu kalbime yerleşmişti; sağımda, solumda, attığım her adımda, gittiğim her yolda sadece onun gözleri önümdeydi.

Onun yanakları kıpkırmızı, elma gibi kızarmıştı, dudakları titriyordu. Bu halinden vücudumda kendi anlayamadığım garip ve narin duygular doğmaya başladı. Akıl ve şuurum kaybolmuştu, bütün kalbimi, bütün varlığımı ona kaptırmıştım.

Onun da bana karşı bir ilgisi varmış gibi geliyordu. Saniyeler, dakikalar, günler, haftalar, aylar geçiyordu. Ona olan aşkım gün geçtikçe artıyordu. Ama kalbimi kontrol edemiyor ve sevgimi ona açacak cesareti bulamıyordum. Onu gizlice gözlüyordum, gizlice seviyordum. O bana acıdığı için, sıcak bir ilgi göstermeye başladı.

Ben dünyanın en mutlu insanıyım. Yer ve göğe sığamıyordum. Sadece onu düşünüyordum, onun hakkında şiirler yazıyor, onun hakkında şarkılar söylüyordum. Ama... Tüm umutlarım boşa çıktı. Bir gün onu en yakın sırdaşım ve dostumla “aşk şarabını yudumladığımı” gördükten sonra...

Artık anladım, neden dudakları titriyor, yanakları kırmızı elma gibi kızarıyordu. Siz de anlamışsınızdır.

*İhanet, ihanet, ihanet...*

*İhanet, ihanet, ihanet...*

*Vicdan da kalmamış dünyada,*

*Bir paraya iffeti satıyor,*

*O bir hayvan değil, sonuçta insan.*

*Kızıl yanaklar, al yanaklar,*

*Sevgilisine dokunamamış titrek dudaklar.*

**Nisan 1986**

## Qirmiz yanoqlar

*Qirmiz yanoqlar, qizil yanoqlar,  
Sevgilisin o‘polmagan titroq dudoqlar.*

Institutga qadam qo‘ygan ilk kunim institut gulzorida uni ko‘rdim-u, lol bo‘lib qoldim. O‘sha on mening qalbimni tok ur-ganday edi, go‘yo u bir umrga qalbimga joylashganday edi, o‘n-gimda, so‘limda, yurgan har qadam, har yo‘limda faqat u ko‘z o‘ngimda edi.

Uning yanoqlari qip qizil, olmadek qizarar, lablari pirpi-rab turardi. Uning bu holatidan mening vujudimda o‘zim tus-hunmaydigan ajib bir nozik hislar paydo bo‘la boshladi. Men es-hushimni yo‘qotib qo‘ygan edim, butun qalbimni, vujudimni unga oldirgandim.

Uning ham menga nisbatan ko‘ngli bordek tuyulgan edi. Soniyalar, daqiqalar, kunlar, haftalar, oylar o‘tar edi. Unga bo‘l-gan ishqim kundan-kunga ortar edi. Lekin yuragimni qo‘lga olib, unga o‘z sevgimni izhor qilishga jur‘atim yetmasdi. Men uni pinhona kuzatar, pinhona sevar edim. Rahmi keldi chog‘i, u ham menga iliq munosabatda bo‘la boshladi.

Men dunyoning eng baxtli insoni edim. Yer-u ko‘kka sig‘mayotgan edim. Faqat uni o‘ylardim, u haqida she‘rlar yo-zardim, u haqida kuylar kuyardim. Lekin... Butun umidlarim pu-chga chiqdi. Bir kun uni eng qalin sirdoshim va do‘stim bilan “ishq sharobini totishayotganini” ko‘rganimdan keyin...

Endi bildim, nima uchun uning lablari pirpirab, yanoqlari qirmizi olmadek qizarayotganligining sababini. Siz ham tushungandirsiz.

*Xiyonat, xiyonat, xiyonat...*  
*Xiyonat, xiyonat, xiyonat*  
*Vijdon ham qolmabdi olamda,*  
*Bir pulga sotadur iffatini,*  
*Hayvonmas, axir u odamda.*

*Qirmizi yanoqlar, qizil yanoqlar,*  
*Sevgilisin o'polmagan titroq dudoqlar.*

**April 1986-yil**

## Қирмиз янақлар

*Қирмиз яноқлар, қизил яноқлар,  
Севгилисин ўполмаган титроқ дудоқлар.*

Институтга қадам қўйган илк куним институт гулзорида уни кўрдим-у, лол бўлиб қолдим. Ўша он менинг қалбимни ток ургандек эди, гўё у бир умрга қалбимга жойлашгандек эди, ўнгимда, сўлимда, юрган ҳар қадам, ҳар йўлимда фақат у кўз ўнгимда эди.

Унинг яноқлари қип қизил, олмадек қизарар, лаблари пирпираб турарди. Унинг бу ҳолатидан менинг вужудимда ўзим тушунмайдиган ажиб бир нозик ҳислар пайдо бўла бошлади. Мен эс-ҳушимни йўқотиб қўйган эдим, бутун қалбимни, вужудимни унга олдиригандим.

Унинг ҳам менга нисбатан кўнгли бордек туюлган эди. Сониялар, дақиқалар, кунлар, ҳафталар, ойлар ўтар эди. Унга бўлган ишқим кундан кунга ортар эди. Лекин юрагимни қўлга олиб, унга ўз севгимни изҳор қилишга журъатим етмасди. Мен уни пинхона кузатар, пинхона севар эдим. Раҳми келди чоғи, у ҳам менга илиқ муносабатда бўла бошлади.

Мен дунёнинг энг бахтли инсони эдим. Ер-у кўкка сиғмаётган эдим. Фақат уни ўйлардим, у ҳақида шеърлар ёзардим, у ҳақида қўшиқлар куйлардим. Лекин... Бутун умидларим пучга чиқди. Бир кун уни энг қалин сирдошим ва дўстим билан «ишқ шаробини тотишаётганини» кўрганимдан кейин...

Энди билдим, нима учун унинг лаблари пирпираб,  
яноқлари қирмиз олмадек қизараётганлигининг сабабини.  
Сиз ҳам тушунгандирсиз.

*Хиёнат, хиёнат, хиёнат...*

*Хиёнат, хиёнат, хиёнат.*

*Виждон ҳам қолмабди оламда,*

*Бир пулга сотадур иффатини,*

*Ҳайвонмас, ахир у одамда.*

*Қирмиз яноқлар, қизил яноқлар,*

*Севгилисин ўполмаган титроқ дудоқлар.*

**Апрел 1986-йил**

## Durdurun, Treni Durdurun!

İş yerim Kuzey Garı'nın yakınında bulunuyor.  
Her sabah işe giderken oradan geçerim.  
Eve dönerken de yine aynı yolu kullanırım.  
Son zamanlarda art arda yaşanan tuhaf bir olaya tanık oldum.  
Bu olay beni derinden sarstı.

Dinleyin...

Her zamanki gibi bir gün işten eve dönerken  
Gardan yapılan anons yankılandı:  
“Dikkat, dikkat! Taşkent–Namangan–Andican yönündeki tren  
hareket etmektedir.”

Bu sesi duyan,  
Üstü başı yıpranmış,  
Bembeyaz sakalları uzamış,  
Beli bükülmüş bir ihtiyar  
Trenin arkasından koşarak bağırıyordu:  
“Durdurun! Durdurun treni!  
Ben Şahla'nın ölmesini istemiyorum!”

Tren gözden kayboldukça  
İhtiyar ağlayarak rayların üzerine yığıldı  
Ve hıçkıra hıçkıra ağlamaya başladı.

Bu sırrın ne olduğunu anlamak istedim.  
Bir gün işten erken çıkıp gardan geçerken  
Garda bulunan lokantada  
O sakalı karışmış, kambur ihtiyarı gördüm.  
Dalgın dalgın oturuyordu.  
Sessizce yanına yaklaşıp:

“Boş mu?” diye sordum.  
Derin bir iç çekerek:  
“Otur,” dedi.

Amacım buydu.  
Halini hatırını sordum,  
Ama tek kelime etmedi.  
“İhtiyar, neden bu kadar kederlisin?” diye konuşmaya çalıştım.  
Ciddiyetimi görünce:  
“Şu zehirden getir,” dedi.

Garsondan büfeden  
Bir şişe “şeytan suyu” istedim.  
Hemen “Moskovskiy” votkayı getirdi.  
“Doldur”, dedi ihtiyar,  
Sanki canlanmıştı.

İki yüz gramlık bardağı neredeyse doldurup uzattım.  
Bir dikişte bitirdi.  
“Bir daha doldur”, dedi.  
Yeniden doldurdum,  
Onu da anında içti.

Sonra yavaş yavaş konuşmaya başladı:

“İhtiyar diyorsun bana...  
Ben nasıl ihtiyar olayım?  
Daha yirmi dört bahar görmüşüm.  
Bükülmüş belime, buruşmuş yüzüme,  
Bakılmamış sakalıma bakıp öyle diyorsun.

İçim yanıyor!  
Doldur şu zehri,  
Öldürecekse o öldürsün!”

Yine doldurdum.  
Kadehi bir kez daha silip süpürdü  
Ve devam etti:

Hocaabad'dan Rusya'nın İvanovo şehrine okumaya gittim.  
Bir yıl okudum.  
Sağlığım bozulunca ikinci yıl  
Özbekistan'a dönmek zorunda kaldım.  
(Nedense saçlarım dökülmeye,  
cildimde yaralar çıkmaya başladı).

Taşkent'teki Rus Dili ve Edebiyatı Pedagoji Enstitüsü'ne  
İlk gün derse girdim.  
Oturacak yer ararken  
İnce, genç bir kızın sesi geldi:  
"Burada yer var."  
Gidip oturdum.  
Tanıştık.  
O, Şahla'ydı.

Dört yıl birlikte okuduk.  
Aşk bizi sarmaşık gibi sarmıştı.  
Kalplerimizdeki kıvılcım alev oldu.  
Sevginin ne demek olduğunu onunla öğrendim.

Dört yıl boyunca  
Bir an bile birbirimizden ayrı duramazdık.  
Sadece geceleri  
Ben kendi evime,  
O kendi evine giderdi.

Niyetimiz, sözümüz birdi.  
Anne babalarımızın rızasını da aldık.

Düğün hazırlıkları başladı.  
Devlet sınavları bittikten sonra evlenecektik.  
Tarih belirlendi.  
Düğün davetiyelerini bile bastırdım.

Sınavlar bitti.  
Ertesi gün Şahla'yı Namangan'a uğurladım.  
Ben ise üç dört gün sonra  
Düğün eksiklerini tamamlayıp Andican'a gidecektim.

O akşam Şahla'yı trene bindirdim.  
Eve geldim, yorgunluktan derin uyumuşum.  
Ev sahibinin telefonu durmadan çalıyordu.  
İstemeye istemeye açtı ve bana verdi.

Telefondaki haber beni yıktı...  
Bir anda saçlarım kar gibi ağardı,  
Yüzüm kırıştı,  
Heykele döndüm...  
İhtiyar derin bir ah çekti:  
"Doldur... yine doldur..."  
Yeniden doldurdum.  
Ve devam etti:

"Şahla'yı trene bindirdikten sonra  
O gece trende  
'İki hayvan'  
(insan demeye dilim varmıyor)  
Ona tecavuz etmişler.

Sabah saat beşte trenden inince  
Eve gitmiş,  
Kimseye fark ettirmeden ahıra girip  
Kendini yakmış..."

“İçim yanıyor, içim!”

Tam o sırada

Garın anons sesi yine yankılandı:

“Dikkat, dikkat!

Taşkent–Namangan treni hareket etmektedir.”

Bu sesi duyan ihtiyar

Birden yerinden fırladı.

Giden trenin arkasından koşarak bağırdı:

“Durdurun treni!

Ben Şahla’nın ölmesini istemiyorum!”

Sonra gözden kaybolan trenin ardından

Rayların üzerine yığıldı

Ve hıçkıra hıçkıra ağladı...

**7 Kasım 1986**

## To‘xtatinglar, poyezdni to‘xtatinglar!

Ishxonam Shimoliy vokzal yaqinida joylashgan. Har kun ertalab ishga u yerdan o‘tib kelaman. Uyga qaytish ham o‘sha yo‘ldan. Keyingi paytlarda ketma-ket bir qiziq voqeaning guvohi bo‘lib qoldim. Bu hodisa meni lol qoldirdi.

Eshiting. Odatdagidek bir kun ishxonadan uyga qarab ketayotganimda vokzal suxandonining ovozi yangradi:

“Diqqat, diqqat, Toshkent – Namangan, Andijon yo‘nalishtidagi poyezd jo‘nab ketmoqda.”

Bu ovozni eshitgan ustlari yupin, oppoq soqollari o‘shib ketgan, beli bukchaygan chol poyezdning ketidan chopib ketar ekan:

- “To‘xtatinglar, to‘xtatinglar, poyezdni to‘xtatinglar, men Shahloning o‘lishini istamayman!”.

Poyezd ko‘zdan uzoqlashib borar ekan, chol yig‘lagancha relslarga yiqilib tushdi va ho‘ngrab yig‘lay boshladi.

Bu sirning ma‘nosiga yetmoq istadim. Bir kun ishdan oldinroq chiqib, vokzaldan o‘tayotib vokzal oshxonasida o‘sha paxmoq soqolli munkaygan cholni ko‘rib qoldim. U oshxonada xayol surib o‘tirardi. Sekin oldiga borib, joy bo‘shmi deb so‘radim. U esa:

“Xo‘rsinib, o‘tir,” dedi.

Mening maqsadim shu edi. Hol-ahvol so‘raganday bo‘ldim. Chol churq etmadi. Otaxon nega mayussiz, indamaysiz, deb so‘zga tortmoqchi bo‘ldim. U mening jiddiyligimni ko‘rib:

“Anu zangaridan oldirib kel,” dedi.

Men oshxonadagi ofitsiantga bufetdan bir shisha “shayton suvi”dan olib kelishni buyurdim. U darhol “Moskovskiy” aroqni olib keldi.

- “Quying,” dedi chol jon kirgandek bo‘lib.

Ikki yuz grammlı stakanga deyarlı to'lg'azib cholga uzatdim. U aroqni dast ko'tarib ikki ho'plamda ichib bitirdi.

"Yana quying," dedi. Yana stakanni to'lg'azdim. U buni ham bir zumda ichib yubordi.

So'ng sekin gapira boshladi:

"Otaxon, otaxon, deysana. Qaydin man otaxon bo'layin. Endigina yigirma to'rt bahorni ko'rgan bo'lsam... Bukchaygan belimga, tirishgan aftimga, qarovsiz soqollarimga qarab aytayotirsanda, ichim yonayapti, ichim! Quy shayton suvidan quy, o'ldirsa o'shal o'ldirsın."

Quydim. U qadahni yana sipqirdi va so'zida davom etdi:

"Xo'jaoboddan Rossiyaning Ivanova shahriga o'qishga kirdim. Bir yil o'qidim. Sog'ligim tufayli ikkinchi yil o'qishni O'zbekistonga ko'chirishga majbur bo'ldim. (Negadir sochlirim to'kilib, terimda yarachalar paydo bo'ldi). Toshkentdagi Rus tili adabiyoti pedagogika institutiga ilk kuni kelib, sinfxonaga kirib, o'zimga o'tirishga joy qidirayotganimda yangroq sasli nozik bir qizning: "Mana bu yer bo'sh", deb o'z yoniga taklif qilganini eshitib, borib o'tirib tanishdim. U Shahlo edi. Biz to'rt yil birga o'qidik. Bizni ishq rishtasi chirmovuqdek o'ragan edi. Qalblarimizdagi uchqun alangaga aylana boshladi. Sevgini muhabbatning neligini tushunib yeta boshladim. To'rt yil davomida biz bir-birimizsiz bir zum ham turolmasdik. Faqat tunlari men o'z kvartiramga, u o'z kvartirasiga borar edi. Niyatimiz, aht-u paymonimiz qat'iy edi. Bu orada biz ota-onamizning roziligini ham oldik. To'y taraddudi boshlanib ketdi. Davlat imtihonlari tugagach, to'yimiz bo'ladigan bo'ldi. To'y sanasi aniqlandi. Men to'y taklifnomalarini ham tayyorlatib qo'ydim. Imtihonlar tugadi. Ertasi kuni men Shahloni Namanganga kuzatadigan bo'ldim. O'zim esa uch-to'rt kun qolib to'y kam-ko'stlarini butlab, Andijonga ketishim kerak edi. O'sha kuni kechqurun men Shahloni

Namanganga kuzatdim. Kvartiramga kelib, charchagan ekanmanmi, qattiq uxlab qolibman. Uy egasining telefoni tinmay jiringlayverdi. U kishi sekingina telefoni olib menga uzatdi. Telefondagi xabar meni yakson qildi! Bir zumda sochlarim qordek oqarib, yuzlarim ajinga to‘ldi. Haykalga aylanib qoldim.” “Ohhh”, chol chuqur xo‘rsindi.

“Quy, o‘shandan quy yana”, dedi. Men yana quydim.

Chol gapini davom ettirdi:

“Men Shahloni poyezdga chiqarib kuzatganimdan keyin tunda poyezdda “ikki hayvon” (odam deyishga tilim bormaydi) uning nomusini bulg‘ashibdi. Tong soat beshlarda poyezddan tushgan Shahlo uyga borib, sekingina ota-onasiga bildiramay molxonaga kiribdi-yu, o‘ziga o‘t qo‘yib yuboribdi. Ichim yonayapti, ichim!!”

Shu payt vokzal suxandonining qo‘ng‘iroqdek ovozi jarangladi:

“Diqqat, diqqat, Toshkent – Namangan poyezdi jo‘nab ketmoqda.”

Bu ovozni eshitgan chol sapchib o‘rindan turdi-yu, ketayotgan poyezdning orqasidan yugurar ekan:

“To‘xtatinglar, poyezdni, men Shahloning o‘lishini xohlamayman!”

deganicha olis-olislarda ko‘zdan g‘oyib bo‘layotgan poyezd relslariga yiqilib tushdi va ho‘ngrab yig‘lay boshladi.

**7-noyabr 1986-yil**

## Тўхтатинглар, поездни тўхтатинглар!

Ишхонам Шимолий вокзал яқинида жойлашган. Ҳар кун эрталаб ишга у ердан ўтиб келаман. Уйга қайтиш ҳам ўша йўлдан. Кейинги пайтларда кетма-кет бир қизиқ воқеанинг гувоҳи бўлиб қолдим. Бу ҳодиса мени лол қолдирди.

Эшитинг. Одатдагидек бир кун ишхонадан уйга қараб кетаётганимда вокзал суҳандонининг овози янгради:

«Диққат, диққат, Тошкент – Наманган, Андижон йўналишидаги поезд жўнаб кетмоқда.»

Бу овозни эшитган устлари юпин, оппоқ соқоллари ўсиб кетган, бели букчайган чол поезднинг кетидан чопиб кетар экан:

- «Тўхтатинглар, тўхтатинглар, поездни тўхтатинглар, мен Шаҳлоннинг ўлишини истамайман!».

Поезд кўздан узоқлашиб борар экан, чол йиғлаганча релсларга йиқилиб тушди ва ҳўнграб йиғлай бошлади.

Бу сирнинг маъносига етмоқ истадим. Бир кун ишдан олдинроқ чиқиб, вокзалдан ўтаётиб вокзал ошхонасида ўша пахмоқ соқолли мункайган чолни кўриб қолдим. У ошхонада хаёл суриб ўтирарди. Секин олдига бориб, жой бўшми деб сўрадим. У эса:

«Хўрсиниб, ўтир,» деди.

Менинг мақсадим шу эди. Ҳол-аҳвол сўрагандай бўлдим. Чол чурқ этмади. Отахон нега маюссиз, индамайсиз, деб сўзга тормоқчи бўлдим. У менинг жиддийлигимни кўриб:

«Ану занғаридан олдириб кел», деди.

Мен ошхонадаги офитсиантга буфетдан бир шиша «шайтон суви»дан олиб келишни буюрдим. У дарҳол «Московский» ароқни олиб келди.

«Қуинг», деди чол жон киргандек бўлиб.

Икки юз граммли стаканга деярли тўлғазиб чолга узатдим. У ароқни даст кўтариб икки хўпламда ичиб битирди.

«Яна қўйинг», деди. Яна стаканни тўлғаздим. У буни ҳам бир зумда ичиб юборди.

Сўнг секин гапира бошлади:

«Отахон, отахон, дейсана. Қайдин ман отахон бўлайин. Эндигина йигирма тўрт бахорни кўрган бўлсам... Букчайган белимга, тиришган афтимга, қаровсиз соқолларимга қараб айтаётирсанда, ичим ёнайапти, ичим! Қуй шайтон сувидан қуй, ўлдирса ўшал ўлдирсин.»

Қуйдим. У қадрни яна сипқирди ва сўзида давом этти:

«Хўжаободдан Россиянинг Иванова шахрига ўқишга кирдим. Бир йил ўқидим. Соғлигим туфайли иккинчи йил ўқишни Ўзбекистонга кўчиришга мажбур бўлдим (Негадир сочларим тўкилиб, теримда ярачалар пайдо бўлди). Тошкентдаги Рус тили адабиёти педагогика институтига илк куни келиб, синфхонага кириб, ўзимга ўтиришга жой қидираётганимда янғроқ сасли нозик бир қизнинг: «Мана бу ер бош», деб ўз ёнига таклиф қилганини эшитиб, бориб ўтириб танишдим. У Шахло эди. Биз тўрт йил бирга ўқидик. Бизни ишқ риштаси чирмовукдек ўраган эди. Қалбларимиздаги учқун алангага айлана бошлади. Севги муҳаббатнинг нелигини тушуниб ета бошладим. Тўрт йил давомида биз бир-биримизсиз бир зум ҳам туролмасдик. Фақат тунлари мен ўз квартирамга, у ўз квартирасига борар эди. Ниятимиз, аҳт-у паймонимиз қатъий эди. Бу орада биз ота-онамизнинг розилигини ҳам олдик. Тўй тараддуди бошланиб кетди. Давлат имтиҳонлари тугагач, тўйимиз бўладиган бўлди. Тўй санаси аниқланади. Мен тўй таклифномаларини ҳам тайёрлатиб қуйдим. Имтиҳонлар тугади. Эртаси куни мен Шахлони Наманганга кузатадиган бўлдим. Ўзим эса уч-тўрт

кун қолиб тўй кам-кўстларини бутлаб, Андижонга кетишим керак эди. Ўша куни кечқурун мен Шаҳлони Наманганга кузатдим. Квартирамга келиб, чарчаган эканманми, қаттиқ ухлаб қолибман. Уй эгасининг телефони тинмай жиринглайверди. У киши эринибгина телефонни олиб менга узатди. Телефондаги хабар мени яксон қилди! Бир зумда сочларим қордек оқариб, юзларим ажинга тўлди. Ҳайкалга айланиб қолдим.» «Оҳҳҳ» чол чуқур хўрсинди.

«Қуй, ўшандан қуй яна», деди. Мен яна қўйдим.

Чол гапини давом эттирди:

«Мен Шаҳлони поездга мингазиб кузатганимдан кейин тунда поездда «икки ҳайвон» (одам дейишга тилим бормайди) унинг номусини булғашибди. Тонг соат бешларда поезддан тушган Шаҳло уйга бориб, секингина ота-онасига билдирмай молхонага кирибди-ю, ўзига ўт қўйиб юборибди. Ичим ёнайапти, ичим!»

Шу пайт вокзал сухандонининг қўнғироқдек овози жаранглади:

«Диққат, диққат, Тошкент – Наманган поезд жўнаб кетмоқда.»

Бу овозни эшитган чол сапчиб ўриндан турди-ю, кетаётган поезднинг орқасидан югурар экан:

«Тўхтатинглар, поездни, мен Шаҳлоннинг ўлишини хоҳламайман!»

деганича олис-олисларда кўздан ғойиб бўлаётган поезд релсларига йиқилиб тушди ва хўнграб йиғлай бошлади.

**7-ноябр 1986-йил**

## Suçum Sakat Olmam mıydı?

Kendime ait tek odalı evimde, yorgunluktan gözlerimi tavana dikmiş halde hüznle yatıyordum. Karnım açtı, ölmek üzereydim, zira üç gündür hiçbir şey yememiştim. Evde yiyecek hiçbir şey yoktu. Açlık artık beni iyice zorlamaya başlamıştı.

Tüm gücümü toplayarak, güçlükle yaralı kolumla ahşaptan yapılmış protez bacaklarımı taktım. Üstümü giyip masanın üzerinde duran gıda yardımı kuponunu aldım ve sokağa çıktım. Zar zor markete ulaştım. Neyse ki market çok uzakta değildi.

Ekmeğe kuyruğunda yaklaşık iki yüz kişi olduğunu görünce, kuyrukta duracak gücümün kalmadığını hissettim. Afganistan Savaşı'nda gösterdiğim kahramanlık nedeniyle aldığım "Sovyetler Birliği Kahramanı" unvanı bana kuyruksuz alışveriş yapma hakkı tanıyordu. "Ne olursa olsun" deyip mağazaya girdim ve üç kişiden sonra dördüncü olarak sıraya geçtim. Ayrıcalığın hakkı bana bu imkanı veriyordu.

Birden önümde duran, orta yaşın üzerindeki sarı saçlı bir kadın bağırmağa başladı:

— Şuna bakın, daha genç yaşta utanmadan kuyruğa girmeden alışveriş yapmaya kalkıyor!

"Afedersiniz" demek üzereydim ki başka biri onu destekledi:

— Evet, bu gençlerde hiç vicdan kalmamış. Hepsi arsız olmuş, kuyruk nedir bilirler mi?

— Afedersiniz, ben...

— Ne demek sen! Hiç mi utanmıyorsun vicdansız! Babanın madalyalarını takıp kuyruğu aşacağını mi sandın?

— Hayır, ben...

— Bunları zaten kovmak lazım, hiç insaf kalmamış! — dedi bir başkası.

— Doğru söylüyorsunuz, bunlarda vicdan ne gezer! — diye ekledi diğeri.

Kuyrukta bekleyenlerin çoğu her yandan bana laf atmaya başladı. Bacaklarım zonkluyor, başım uğulduyordu.

— Yarım saat kuyrukta dursa ölür müydü? — dedi biri.

— Kahramanlık yıldızını takmış diye mi geçecek? — dedi bir başkası.

— Git, en arkada sıraya gir! — dedi diğeri.

Artık dayanamadım. Bacaklarımdaki ağrı beynime vuruyordu, içimde bir aslan kükredi:

— Yeter, artık susunuz! Yarım saat diyorsunuz ama iki bacağıma tahta, bir kolum yokken ben nasıl dayanayım? Ey insafsızlar! Bana biriniz bacağımızı bir dakikalığına verin, ben yarım saat değil, bir ömür kuyrukta durayım. Siz yine de anlamazsınız! Ben kimler için kan döktüm, canımı ortaya koydum, iki bacağıma ve bir kolumu kaybettim? Neden? Sizler huzur içinde uyun, rahat yaşayın diye! Yaptığım fedakârlığın karşılığında beni insan yerine bile koymuyorsunuz. Eğer bacaklarım kendi bacaklarım olsaydı, bir ömür beklerdim, ayakta dururdum. Vicdanımı çiğneyip yüzünüzce sıraya girmeden geçmezdim. Hanginiz benim yerimde bir dakika dayanabilirsiniz? Hanginiz benim yerimde olabilirsiniz? İnsan bu kadar mı değersiz?

Bulduğum yerden aniden dönüp dışarı çıktım. O sırada kuyrukta duran, seksenlerini geçmiş, belli ki savaşın her halini görmüş bir ihtiyar, elindeki yarım ekmeği bana uzattı:

— Al evladım, bunu al, — dedi.

Gözlerimden yaşlar süzölmeye başladı, içimde bir şeyler parçalandı. Güçlölkle sokağa çıktım, gözyaşlarım sel oldu. Aşağılanmışlığın etkisiyle ağlamaya başladım. Aşağılanmanın yüküyle ağırlaşan bacaklarımı sürükleyerek eve dönerken, zihnimde Erkin Vahidov'un şu dizeleri dönüp duruyordu:

*Bu aydınlık dünya nedir?  
Bir saray mıdır, bir harabe mi?  
Sana bir misafirhanedir,  
Misafir de sensin, ev sahibi de sen.*

Ah insanlar, insanlar... Ne zaman değer bilmeyi, ne zaman iyilik yapmayı öğreneceğiz? Allah hepimizin vicdanını temizlesin.

**4 Kasım 1992**

## Aybim majruhligimmi?

O‘zimga tegishli bo‘lgan bir xonali uyimda charchoqdan ko‘zlarimni shiftga tikkancha mayus yotardim. Qornim o‘lgudek och edi, axir uch kundan beri hech narsa yemaganman, chunki uyda yeyishga arzigulik hech narsa yo‘q edi. Ochlikdan azob cheka boshladim.

Butun kuchimni to‘plab, zo‘rg‘a yarador qo‘lim bilan yog‘ochdan yasalgan protez oyoqlarimni ilib oldim, so‘ng ustki kiyimlarimni kiyib, stol ustida yotgan oziq-ovqat olish uchun berilgan talonni olib ko‘chaga chiqdim. Zo‘r-bazo‘r magazinga yetib bordim. Baxtinga, magazin uzoqda emas edi.

Nonga navbatda turgan qariyb 200 kishini ko‘rib, navbatda turishga kuchim yetmasligini sezdim. Afg‘on urushida ko‘rsatgan qahramonligim uchun olgan “Sovet Ittifoqi Qahramoni” unvoni menga navbatsiz xarid qilish imtiyozini berardi. “Nima bo‘lsa bo‘lsin”, dedim-da, magazin ichiga kirib, uch kishidan keyin to‘rtinchi bo‘lib navbatga turdim. Imtiyozning kuchi shunga yetar edi.

Bir payt mendan oldinda turgan o‘rta yoshlardan oshgan malla sochli ayol javray ketdi:

— Mana buni qarang, yoshgina bo‘la turib uyalmasdan navbatsiz xarid qilmoqchi!

“Kechirasiz”, deya og‘zimni ochgan edim, boshqa bir kishi uning tomonini olib dedi:

— Ha, bu yoshlarda insof qolmadi, hammasi surbet bo‘lib ketgan, navbat nimaligini bilisharmidi?

— Kechirasiz, men...

— Nima, sen... uyal-maysanmi, vijdotsiz! Otangning or-

den-medallarini taqib olib, navbatsiz o‘taman deb o‘ylaganmi-ding?!

— Yo‘q, men, men...

— Bularni o‘zi haydab chiqarish kerak, insof ham qolma-di! — dedi boshqasi.

— To‘g‘ri aytasiz, bularda vijdon nima qilar edi, — deb qo‘shildi keyingisi.

Navbatda turganlarning ko‘pchiligi har tomondan menga so‘z ota boshladi. Oyoqlarim zirqirab og‘rir, boshim guvullardi.

— Yarim soat navbatda tursa o‘lib qolarmidi? — dedi kimdir.

— Qahramonlik oltin yulduzini taqib olganiga o‘laymi... — dedi yana biri.

— Bor, ana eng oxirida navbatda tur! — dedi boshqasi.

Chidolmadim. Oyoqlarimdagi og‘riq miyamga urayotgan edi, ichimda bir arslon o‘kirdi:

— Yetar, bas! Yarim soat deysan, axir ikki oyog‘im tayoq-dan bo‘lsa, bir qo‘lim yo‘q bo‘lsa, qanday chiday? Siz-ey, mah-madonalar! Menga hech bo‘lmasa bir oyog‘ingizni bir daqiqa-ga bering, men yarim soat emas, bir umr navbatda turay. Sizlar baribir tushunmaysizlar! Axir men kim uchun qon kechdim, jon fido etdim, ikki oyog‘im va bir qo‘limdan ayrildim? Nima uchun? Sizlar tinch uxlasin, osoyishta yashasin deb qildim bu ishni! Qilgan fidoyiligim evaziga meni odam o‘rnida ham ko‘r-mayapsizlar. Agar oyoqlarim o‘zimniki bo‘lganida edi, bir umr navbat kutar edim, to o‘lguncha tik turar edim. Vijdonimni yu-tib, betoqat bo‘lib navbatsiz o‘tmas edim. Qani, ichingizdan qay biringiz mening o‘rnimda bo‘lib bir daqiqa chiday oladi? Qay biringiz mening o‘rnimda bo‘la oladi? Nahotki inson shunchalar qadrsiz bo‘lsa?

Turgan joyimdan shart burilib, ko‘chaga qarab yura boshladim. Shunda navbatda turgan, saksonlarga borib qolgan, har holda urushning baland-pastini ko‘rgan bir otaxon menga qarab, qo‘lidagi yarimta nonni uzatib:

— Mana, o‘g‘lim, buni olib qol, — dedi.

Ko‘zlarimdan yosh tomchilay boshladi, ichimda nimadir tirnaldi. Zo‘rg‘a ko‘chaga chiqdim, ko‘z yoshlarim sel bo‘ldi. Xo‘rlikim kelib, yig‘lab yubordim. Xo‘rlikdan zil-zambil bo‘lib qolgan oyoqlarimni zo‘rg‘a sudrab uyga qaytar ekanman, miyamda Erkin Vohidovning quyidagi misralari aylanardi:

*Bu yorug‘ dunyo nadur?  
Koshonadur, vayronadur,  
Senga mehmonxonadur,  
Mehmon o‘zing, mezbon o‘zing.*

Eh, odamlar, odamlar... Qachon qadrli bo‘lishni, qachon ezgulik qilishni o‘rganamiz? Alloh hammamizning vijdonimizni pok qilsin.

**1992-yil 4-noyabr**

## Айбим мажруҳлигимми?

Ўзимга тегишли бўлган бир хонали уйимда чарчоқдан кўзларимни шифтга тикканча маюс ётардим. Қорним ўлгудек оч эди, ахир уч кундан бери ҳеч нарса емаганман, чунки уйда ейишга арзигулик ҳеч нарса йўқ эди. Очликдан азоб чека бошладим.

Бутун кучимни тўплаб, зўрға ярадор қўлим билан ёғочдан ясалган протез оёқларимни илиб олдим, сўнг устки кийимларимни кийиб, стол устида ётган озиқ-овқат олиш учун берилган талонни олиб кўчага чиқдим. Зўр-базўр магазинга етиб бордим. Бахтимга, магазин узоқда эмас эди.

Нонга навбатда турган қарийб 200 кишини кўриб, навбатда туришга кучим етмаслигини сездим. Афғон урушида кўрсатган қаҳрамонлигим учун олган “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони менга навбатсиз харид қилиш имтиёзини берарди. “Нима бўлса бўлсин”, дедим-да, магазин ичига кириб, уч кишидан кейин тўртинчи бўлиб навбатга турдим. Имтиёзнинг кучи шунга етар эди.

Бир пайт мендан олдинда турган ўрта ёшлардан ошган малла сочли аёл жаврай кетди:

— Мана буни қаранг, ёшгина бўла туриб уялмасдан навбатсиз харид қилмоқчи!

«Кечирасиз», дея оғзимни очган эдим, бошқа бир киши унинг томонини олиб деди:

— Ҳа, бу ёшларда инсоф қолмади, ҳаммаси сурбет бўлиб кетган, навбат нималигини билишармиди?

— Кечирасиз, мен...

— Нима, сен... уялмайсанми, виждонсиз! Отангинг

орден-медалларини тақиб олиб, навбатсиз ўтаман деб ўйлаганмидинг?!

— Йўқ, мен, мен...

— Буларни ўзи ҳайдаб чиқариш керак, инсоф ҳам қолмади! — деди бошқаси.

— Тўғри айтасиз, буларда виждон нима қилар эди, — деб қўшилди кейингиси.

Навбатда турганларнинг кўпчилиги ҳар томондан менга сўз ота бошлади. Оёқларим зирқираб оғрир, бошим гувулларди.

— Ярим соат навбатда турса ўлиб қолармиди? — деди кимдир.

— Қаҳрамонлик олтин юлдузини тақиб олганига ўлайми... — деди яна бири.

— Бор, ана энг охирида навбатда тур! — деди бошқаси.

Чидолмадим. Оёқларимдаги оғриқ миямга ураётган эди, ичимда бир арслон ўкирарди:

— Етар, бас! Ярим соат дейсан, ахир икки оёғим таёқдан бўлса, бир қўлим йўқ бўлса, қандай чидай? Сиз-эй, маҳмадоналар! Менга ҳеч бўлмаса бир оёғингизни бир дақиқага беринг, мен ярим соат эмас, бир умр навбатда турай. Сизлар барибир тушунмайсизлар! Ахир мен ким учун қон кечдим, жон фидо этдим, икки оёғим ва бир қўлимдан айрилдим? Нима учун? Сизлар тинч ухласин, осойишта яшасин деб қилдим бу ишни! Қилган фидойилигим эвазига мени одам ўрнида ҳам кўрмаяпсизлар. Агар оёқларим ўзимники бўлганида эди, бир умр навбат кутар эдим, то ўлгунча тик турар эдим. Виждонимни ютиб, бетоқат бўлиб навбатсиз ўтмас эдим. Қани, ичингиздан қай бирингиз менинг

ўрнимда бир дақиқа бўлиб чидай олади? Қай бирингиз менинг ўрнимда бўла олади? Наҳотки инсон шунчалар қадрсиз бўлса?

Турган жойимдан шарт бурилиб, кўчага қараб юра бошладим. Шунда навбатда турган, саксонларга бориб қолган, ҳар ҳолда урушнинг баланд-пастини кўрган бир отахон менга қараб, қўлидаги яримта нонни узатиб:

— Мана, ўғлим, буни олиб қол, — деди.

Кўзларимдан ёш томчилай бошлади, ичимда нимадир тирналди. Зўрға кўчага чикдим, кўз ёшларим сел бўлди. Хўрлигим келиб, йиғлаб юбордим. Хўрликдан зил-замбул бўлиб қолган оёқларимни зўрға судраб уйга қайтаётганимда, миямда Эркин Воҳидовнинг қуйидаги мисралари айланарди:

*Бу ёруғ дунё надур?  
Кошонадур, вайронадур,  
Сенга меҳмонхонадур,  
Меҳмон ўзинг, мезбон ўзинг.*

Эҳ, одамлар, одамлар... Қачон қадрли бўлишни, қачон эзгулик қилишни ўрганамиз? Аллоҳ ҳаммамизнинг виждонимизни пок қилсин.

**1992-йил 4-ноябр**

## Kalbimi Kırma, Lütfen, Sevgilim

Afganistan. Pul-i Humri. Dağlar arasında. Sessiz anlar, çatışmalar geçici olarak durmuştu (Silahlar sustu).

Havada bir helikopter görüldü. Askerlerin üzerinde dolaşan helikopter, onlara paketler bırakarak uzaklaştı.

Paketlerden biri Andicanlı Uluğbek'e gelmişti.

O, bu günleri büyük bir özlemle bekliyordu. Çünkü evden gönderilen giysiler ve yiyeceklerin arasında sevgilisinden, sevgili yârinden, nişanlısı Sevara'dan bir mektup olmalıydı.

Mektupta ona yazılmış tatlı sözler, güzel dilekler ve elbette düğün tarihi hakkında beklenen haber yer alacaktı.

Uluğbek hayallere daldı. Sevara'ya tutulduğuna altı yıl olmuştu.

O sırada on dört yaşındaydı.

Tam anlamıyla güzel, düzgün yetmişmiş, köyün en önde gelen kızlarından biriydi.

Birbirlerini canlarından çok seviyorlardı.

Bu nedenle ikisi de Andican Tıp Üniversitesi'ne başvurdu ve ikisi de öğrenci olma şansını elde etti.

O zamanın kaderine göre Uluğbek, birinci sınıfı bitirir bitirmez Sovyet ordusuna asker olarak çağrıldı; askerlik görevini yerine getirmek için.

İki yıldır Afganistan'da toz yutuyor, kan döküyor ve görevini yerine getiriyordu.

İki yıl boyunca neredeyse her gün Sevara'dan mektup geliyordu.

Her mektup geldiğinde Uluğbek sevinçten havalara uçar, coşardı.

Bu sefer de öyle olmasını bekliyordu.

Ama maalesef...

Mektup böyle yazılmıştı:

“Uluğbek! Aradan ne kadar zaman geçti. Evdekiler beni zorladılar.

Beni kolhoz başkanımızın oğlu Komiljon’la evlendirmek istiyorlar.

Çok düşündüm. Siz oradasınız, hizmetiniz ne zaman bitecek ve yazdığınız gibi ‘ölüm tozundan’ ne zaman döneceksiniz?

Belki dönmek kısmet olmaz.

Beni yanlış anlamayın.

Rıza verdim.

İki hafta sonra, 9 Mayıs günü Kamilcan ile düğünümüz olacak.

Elveda!”

Uluğbek’i, savaşta cesaret kazanmış, kahraman, korkusuz Uluğbek’i, düşman kurşunu değil, sevgilisinin söylediği bir tek söz öldürmüştü.

Derin bir sessizliğe büründü.

Hiç kimseye belli etmeden yavaşça dağın en yüksek noktasına çıktı.

Mavi gökyüzüne baktı.

Gözlerinin önünden sevgi dolu köyü, sevgili anne-babası, tatlı şeker gibi kardeşleri geçti.

Kararı kesindi.

AK-47’yi eline aldı, namluyu çenesine dayadı ve tetiği çekti. Kurşun Uluğbek’i paramparça etti.

O, kalbinden akan kanla elini batırarak dağa aşağıdaki dizeleri yazmaya başladı:

*İki yılı bekleyemem,  
Bana yazdığın mektubunu okuyup bu gece  
Kalbim doldu, sevgilim,  
Lütfen, yâr, kırma kalbimi,  
Seni sevdim, seveceğim...*

Şiir tamamlanmadı. Doğrusu Uluğbek bunu yazıp bitiremedi. Çünkü o, fanî dünyadan baki dünyaya göç etmişti.

*Henüz burun altındaki bıyığı çıkmamış,  
Hiçbir kızın elini tutmamış,  
Sevgilisi ile bir kez bile öpüşmemiş,  
On üç bin oğlum kalmıştı Afganistan'da.  
Bunlardan biri Uluğbek'ti.*

**Aralık 1982**

## **Iltimos, yor, ranjitma meni**

Afg'oniston. Pulihumri. Tog'lar orasi. Pistirma. Otishmalar vaqtinchalik to'xtagan dam, havoda vertolyot ko'rindi. Askarlar ustini aylanib o'tgan vertolyot, ularga "posilka"larni tashlab uchib ketdi. Posilkalardan biri Andijonlik Ulug'bekka kelgan edi. U bu kunlarni orziqib kutayotgan edi. Chunki uydan yuborilgan kiyim-kechak va oziq-ovqatlar orasida sevgilisidan, suyakli yori, unashtrilgan qizi Sevaradan orziqib, intiqib kutayotgan maktub bo'lishi kerak.

Maktubda unga atalgan shirin so'zlar, go'zal tilaklar va albatta to'y sanasi haqida kutilgan xabar bitilgan. U hayol sura boshladi. Sevaraga ilk ko'ngil qo'yganiga olti yildan oshibdi. O'n to'rt yoshida edi. To'linoydek go'zal, ozoda tarbiyasi, qishloqning eng oldi qizlaridan edi. Ular bir-birini jondan ortiq sevishardi. Shu niyatda har ikkalasi Andijon tibbiyot universitetiga hujjat topshirdilar. Ikkalasi ham talabalik baxtiga muayassar bo'ldi.

O'sha paytdagi taqdir taqazosi bilan Ulug'bek birinchi kursni bitirgach, Sovet armiyasi safida yigitlik burchini o'tash uchun askarga chaqirildi. Mana qariyb ikki yildirki, u Afg'onistonda chang yutib, qon kechib o'z burchini ado etmoqda. Ikki yil davomida deyarli har kuni Sevaradan xat kelardi. Har xat olganida Ulug'bek quvnap, yayrab ketar edi. Bu safar ham shunday bo'lishini kutgandi. Ming afsuski...

Xatta shunday yozilgan edi:

"Ulug'bek aka! Mana oradan qancha vaqtlar o'tdi. Uyda-gilar meni qiynab yuborishdi. Meni Kolxozimiz raisining o'g'li Komiljonga turmushga berishmoqchi. Men ko'p o'yladim. Siz u yerda bo'lsangiz, xizimatingiz qachon tugaydiyu siz yozgandek "ajal changali"dan qachon qaytasiz. Balki qaytish nasib qilmas. Meni to'g'ri tushuning. Men rozilik berdim. Ikki haftadan ke-

yin to‘qqizinchi may kuni Komiljon aka bilan to‘yimiz bo‘ladi. Xayr!”

Ulug‘bekni, jang-u jadalda chiniqqan dovyurak, botir, qo‘rqmas Ulug‘bekni, dushman o‘qi emas, suyuqli Sevaraning aytgan bir og‘iz so‘zi o‘ldirgandi. U chuqur o‘yga toldi. Pistirmadan hech kimga bildirmasdan sekin tog‘ning eng cho‘qqisiga ko‘tarildi. Moviy osmonga tikildi. Ko‘z o‘ngidan mehribon qishlog‘i, suyuqli ota-onasi, shirin shakar uka-singillari o‘ta boshlandi. Uning qarori qat‘iy edi.

AK (Avtomat Kalashnikov) ni qo‘liga olib sekin stvolini chakagiga tiradi va kurakni bosib yubordi. O‘q Ulug‘bekni tilka-pora qilib yuborgan edi. U yuragidan oqayotgan seldek qonga qo‘lini botirib tog‘ga quyidagi misralarni bita boshladi:

*Kutolmayman ikki yilni hech  
Deb yozibsan menga janona  
Maktubingni o‘qib ushbu kech  
Yurak bag‘rim bo‘ldi paymona  
Iltimos, yor ranjitma meni  
Men sevganman, sevaman seni...*

She‘r tugamadi. To‘g‘rirog‘i, Ulug‘bek uni yozib tugata olmadi. Chunki u foniy dunyodan boqiy dunyoga ko‘chib o‘tgan edi.

*Hali burnining tagida moylovi sabza urmagan,  
Biron bir qizning qo‘lidan ushlab ko‘rmagan,  
Sevgilisidan bir marta ham bo‘sa olmagan,  
O‘n uch ming o‘g‘loni qoldi Afg‘onda.  
Ulardan biri Ulug‘bek edi.*

**Dekabr, 1982-yil**

## Илтимос, ёр, ранжитма мени

Афғонистон. Пулиҳумри. Тоғлар ораси. Пистирма. Отишмалар вақтинчалик тўхтаган дам, хавода вертолёт кўринди. Аскарлар устини айланиб ўтган вертолёт, уларга “посилка”ларни ташлаб учиб кетди. Посилкалардан бири Андижонлик Улуғбекка келган эди. У бу кунларни орзиқиб кутаётган эди. Чунки уйдан юборилган кийим-кечак ва озиқ-овқатлар орасида севгилисидан, суюкли ёри, унаштирилган қизи Севарадан орзиқиб, интиқиб кутаётган мактуб бўлиши керак.

Мактубда унга аталган ширин сўзлар, гўзал тилаклар ва албатта тўй санаси ҳақида кутилган хабар битилган. У хаёл сура бошлади. Севарага илк кўнгил қўйганига олти йилдан ошибди. Ўн тўрт ёшида эди. Тўлинойдек гўзал, озода тарбияли, қишлоқнинг энг олди қизларидан эди. Улар бир-бирини жондан ортиқ севишарди. Шу ниятда ҳар иккаласи Андижон тиббиёт университетида ҳужжат топширдилар. Иккаласи ҳам талабалик бахтига муяссар бўлди.

Ўша пайтдаги тақдир тақозоси билан Улуғбек биринчи курсни битиргач, Совет армияси сафида йигитлик бурчини ўташ учун аскарга чақирилди. Мана қарийб икки йилдирки, у Афғонистонда чанг ютиб, қон кечиб ўз бурчини адо этмоқда. Икки йил давомида деярли ҳар куни Севарадан хат келарди. Хар хат олганида Улуғбек қувнаб, яйраб кетар эди. Бу сафар ҳам шундай бўлишини кутганди. Минг афсуски...

Хатта шундай ёзилган эди:

«Улуғбек ака! Мана орадан қанча вақтлар ўтди. Уйдагилар мени қийнаб юборишди. Мени Колхозимиз раисининг ўғли Комилжонга турмушга беришмоқчи. Мен кўп ўйладим. Сиз у ерда бўлсангиз, хизматингиз қачон тугайдию сиз ёзгандек “ажал чангали”дан қачон қайтасиз. Балки қайтиш насиб қилмас. Мени тўғри тушунинг. Мен

розилик бердим. Икки ҳафтадан кейин тўққизинчи май куни Комилжон ака билан тўйимиз бўлади. Хайр!»

Улуғбекни, жанг-у жадалда чиниққан довжорак, ботир, қўрқмас Улуғбекни, душман ўқи эмас, суюклиси Севаранинг айтган бир оғиз сўзи ўлдирганди. У чуқур ўйга тўлди. Пистирмадан ҳеч кимга билдирмасдан секин тоғнинг энг чўққисига кўтарилди. Мовий осмонга тикилди. Кўз ўнгидан меҳрибон қишлоғи, суюкли ота-онаси, ширин шакар ука-сингиллари ўта бошлади. Унинг қарори қатъий эди.

АК (Автомат Калашников)ни қўлига олиб, секин стволини чакагига тиради ва курукни босиб юборди. Ўқ Улуғбекни тилка-пора қилиб юборган эди. У юрагидан оқаётган селдек қонга қўлини ботириб, тоғга куйидаги мисраларни бита бошлади:

*Кутолмайман икки йилни ҳеч  
Деб ёзибсан менга жанона  
Мактубингни ўқиб ушбу кеч  
Юрак бағрим бўлди паймона  
Илтимос, ёр ранжитма мени  
Мен севганман, севаман сени...*

Шеър тугамади. Тўғрироғи, Улуғбек уни ёзиб тугата олмади. Чунки у фоний дунёдан боқий дунёга кўчиб ўтган эди.

Ҳали бурнининг тегида мўйлови сабза урмаган,  
Бирон бир қизнинг қўлидан ушлаб кўрмаган,  
Севгилисидан бир марта ҳам бўса олмаган,  
Ўн уч минг ўғлоним қолди Афғонистонда.  
Улардан бири Улуғбек эди.  
Декабр, 1982-йил

**Декабр, 1982-йил**

## Pijamalarım

Keşke bilseydin, seni ne kadar özlediğimi.  
Baharın usulca yağın yağmuru altında,  
Yepyeni yeşil çimlerin üzerinden yürürken,  
Sadece seni düşündüm, seni özledim, sana özlem duydum,  
Sana hasret kaldım.

Yazın kavurucu sıcağında, güneşin etkisiyle yanmış,  
Karaçam gibi kararmış olduğum zamanlarda bile,  
Gölge altında yürürken, yüzümden terler sel gibi akarken,  
Seni düşündüm, sana özlem duydum, sana talip oldum,  
sana yöneldim.

Sonbaharın hüznünlü renkleri arasında,  
Ormanın içinde altın gibi parlayan narin yaprakların üzerinden geçerken,

Gözlerimin önünde sadece sendin, başkasını göremiyordum.  
Sana koştum, sana âşıktım, sana talip oldum.  
Keşke bilseydin, seni ne kadar özlediğimi.

Kışın buz gibi günlerinde, soğuk tüm bedenimi kapladığında,  
Dilim donup, hareket edemez hale geldiğinde,  
Neredeyse buzdan bir heykel olacağım zaman,  
Senin kıymetin o kadar büyüktü ki...

O kadar büyüktü ki...

Ah, keşke bilseydin, seni ne kadar özlediğimi, sana ne kadar yöneldiğimi.

Artık yeter, dayanamayacağım,

Bu gece eve gidiyorum, kapıyı kilitleyeceğim,  
Odada sadece ikimiz, sen ve ben, yalnız...  
Bu gece sen benim olacaksın, ben de senin,  
Artık sabrım tükendi, seni kucaklayacağım.  
Ahhh, Ahhh, Ahhh... Benim pijamalarım.

**8 Ekim 2018**

## Pijamalarim

Bilsang edi, men seni qanchalik sogʻinganligimni.  
Bahorning shivillab yogʻayotgan yomgʻiri ostida,  
Yam-yashil maysalar ustidan yurib borar ekanman,  
Men faqat seni oʻyladim, seni sogʻindim, senga intildim,  
Seni qumsadim.  
Yozning jazirama issiqida, quyosh taftidan kuyib,  
Qoramagʻizga aylangan chogʻimda ham sham-isiya ostida  
Yurar ekanman, yuzumdan seldek terlar oqarkan,  
Seni oʻyladim, seni qumsadim, senga talpindim, senga intildim.  
Kuz hazonrezgisi choʻgʻi, oʻrmon ichida oltindek tovlanib  
yotgan mayin barglar ustidan kezarkanman,  
Koʻz oʻngimda sen eding, boshqani koʻrmasdi koʻzim.  
Senga shoshildim, senga oshiqdim, senga talpindim.  
Bilsang edi, qanchalik sogʻinganligimni.  
Qishning ayozli kunlarida, sovuq butun vujudimni qoplab,  
Tilim aylanmay, akashak boʻlib qolganimda,  
Oz qolsin muzdek haykalga aylanar chogʻim,  
Shunchalik qadring oʻtdiki, shunchalik qadring oʻtdiki,  
Ohhh, bilsang edi, qanchalik seni sogʻinganligimni,  
Qanchalik senga intilganligimni.  
Bas, yetar endi, chiday olmayman, bugun tunda uyga bo-  
raman,  
Eshikni qulflayman, xona-da ikkimiz sen va men yolgʻiz,  
Bugun sen meni-ki boʻlasan, men esa seniki,  
Ortiq bardosh berolmayman, sabrim tugadi, seni quchaman.  
Ohhh, Ohhh, Ohhh, mening pijamalarim.

**8-oktabr, 2018 yil**

## Пижамаларим

Билсанг эди, мен сени қанчалик соғинганлигимни.  
Баҳорнинг шивиллаб ёғаётган ёмғири остида,  
Ям-яшил майсалар устидан юриб борар эканман,  
Мен фақат сени ўйладим, сени соғиндим, сенга  
интиқдим,

Сени қумсадим.  
Ёзнинг жазирама иссиғида, қуёш тафтидан куйиб,  
Қорамағизга айланган чоғимда ҳам шамсия остида  
Юрар эканман, юзимдан селдек терлар оқаркан,  
Сени ўйладим, сени қумсадим, сенга талпиндим, сенга  
интиқдим.

Куз ҳазонрезгиси чўғи, ўрмон ичида олтиндек товланиб  
ётган майин барглар устидан кезарқанман,

Кўз ўнгимда сен эдинг, бошқани кўрмасди кўзим.  
Сенга шошилдим, сенга ошиқдим, сенга талпиндим.

Билсанг эди, қанчалик соғинганлигимни.  
Қишнинг аёзли кунларида, совуқ бутун вужудимни  
қоплаб,

Тилим айланмай, акашак бўлиб қолганимда,  
Оз қолсин муздек ҳайкалга айланар чоғим,  
Шунчалик қадринг ўтдики, шунчалик қадринг ўтдики,  
Оҳҳх, билсанг эди, қанчалик сени соғинганлигимни,  
Қанчалик сенга интилганлигимни.

Бас, етар энди, чидай олмайман, бугун тунда уйга  
бораман,

Эшикни қулфлайман, хонада иккимиз сен ва мен ёлғиз,  
Бугун сен меники бўласан, мен эса сеники,  
Ортиқ бардош беролмайман, сабрим тугади, сени  
қучаман.  
Оҳҳх, Оҳҳх, Оҳҳх, менинг пижамаларим.

**8-октябрь, 2018 йил**

## Türkçe Şiirler Var mı?

Çocuk doğulduğu zaman ağlayan,  
Göbeği kanıyla meḥ-re bağlayan,  
Ömrü sonunacak si-hhat sağlayan,  
Evin ocağından sıcak yer var mı?

Gözümü açıp da dolaştığım yer,  
Elimde çapayla çalıştığım yer,  
Babamın mehrine ulaştığım yer,  
Babamın bağından sıcak yer var mı?

Büyüyüp yiğitlik devrini süren,  
Aklımı tanıyıp meydana giren,  
Halk için, vatan için canını veren,  
Gençlik çağımdan güzel şey var mı?

Seni özlediğim, yandığım her an,  
Dudağı dudağa bastığım zamanı,  
Dünya unutturan sevgili canan,  
Senin dudağından tatlı şey var mı?

Ana gibi büyük, aziz, mer-h-iban,  
Var mı bu dünyada değerli insan?  
Hazırız uğrunda olmaya kurban,  
Ana kucağından sıcak yer var mı?

Halkımı iblisler etmişler sürgün,  
Ama vatan yaddan çıkmamış bir gün.  
Her dakika kalbimden gelmekte bir ün,  
Vatanım dağından acı şey var mı?

Evin ocağından, babam bağından,  
Gençlik çağından, yar dudağından,  
Ana kucağından, vatan dağından,  
Tatlı yer var mı? Sıcak yer var mı?

**2000**

## Ana

Ana kimin mehriban  
Var mı dünyada insan?  
Bayramın ile seni  
Tebriklerim, anacan.

Uşığı diye ana  
Geceler uyumadın.  
Bulduğunu verip ana,  
Kendine saklamadın.

Uşığı büyüttün sen  
On sekiz yaşına kadar.  
O da sana bakar ana  
Ömrünün sonuna kadar.

1972

## Anılarım Kaldı

Hava sıcaktı, rutubet de vardı.  
Dışarıda damla damla yağmur yağardı.  
Yağmurda eriyip de aktı nice can,  
Eriyen içinde benim de vardı.

Havalar güzeldi, eserdi rüzgar.  
Esen rüzgarların izleri vardı.  
Rüzgar esenleri aldı, götürdü,  
Gidenler içinde canım da vardı.

Dünya güzeldi, güzeller vardı.  
Onlar içinde benim yarım de vardı.  
Yağmur, rüzgar, damla canımı aldı,  
Ama bana yadgar anılarım kaldı.

Anılarım damladan oluşmuş idi,  
Kaybettim canımla buluşmuş idi.  
Canımı, kanımı birleştir Hakkım,  
Anılarım, ben ne yapayım şimdi?

Şiir yazarken üstad fikri böldü,  
Bana şiiri yazdıran ilham da öldü.  
Damlalar benimle, anılar benle,  
Damlalara boğan büyük bir göldü.

**2015**

## Haberin Yok (2016)

Söyle bana sevgilim, sen neredesin?  
Yüzüm güler, gönlüm ağlar, haberin yok.  
Bilmiyor musun, kaç senedir kalbimdesin?  
Yüzüm güler, gönlüm ağlar, haberin yok.

Duydum ki sen başkasına söz vermişsin,  
Artık onu sevmiyorum, yok demişsin.  
Verdiği o sözleri de silmişsin,  
Yüzüm güler, gönlüm ağlar, haberin yok.

Niye beni terk ettin, günahım ne?  
Beni ondan fark ettin, sebebi ne?  
“Seviyorum” demişsin ya, bunlar da ne?  
Yüzüm güler, gönlüm ağlar, haberin yok.

İşte gittin, artık beni bıraksana.  
Niye ateş üfüryorsun nazik cana?  
Mutluluklar diliyorum o oğlana,  
Yüzüm güler, gönlüm ağlar, haberin yok.

Belki benden akıllıdır ve güzeldir,  
Sevişenler kavuşmazdır, bu ezeldir.  
Yazdıklarım türkü değil, bir gazeldir,  
Yüzüm güler, gönlüm ağlar, haberin yok.

2016

**Özbekçeden Türkçeye Şiir Çevirileri**  
**Muhammad Yusuf'tan Seçmeler**

*Özbekçeden Türkçeye çeviren: Cumali Şabanov*

**Semerkand**

Semerkand'a gitsem ben, eğer  
Uluğbek'i görüp dönerim.  
O kan ağlar, durur her sefer,  
Ben derdimi kime söylerim?..

Bağrımda büyüyen toy çocuğum,  
Mergen çocuğum, şahin çocuğum,  
Boğzuma hançer vuran, öz çocuğum,  
Ben derdimi kime söyleyeyim?..

Hissedemedim o zaman,  
Yıldızlarda imiş bakışım.  
Bilmem neydi günahım...  
Ben derdimi kime söyleyeyim?..

Nice gamlara batmamış idim,  
Nice ağı yutmamış idim,  
Evladımdan beklememiştim,  
Ben derdimi kime söyleyeyim?..

Bedenim donar, taşa dönüşür.  
Ben şah değil, akıbet babayım.  
Türbemde de düşünüp yatarım,  
Ben derdimi kime söyleyeyim?..

Semerkand'a varırsam eğer,  
Uluğbek'i görmeden gelmem.  
O bana kan ağlar her sefer,  
Ben derdimi kime söyleyeyim?

## Samarqand

Samarqandga borsam men agar,  
Ulug'bekni ko'rib qaytaman.  
U qon yig'lab turar har safar;  
Men dardimni kimga aytaman?..

Bag'rimda bo'y etgan bo'z bolam,  
Mergan bolam, lochin ko'z bolam,  
Bo'g'zimga tig' urgan o'z bolam;  
Men dardimni kimga aytaman?..

Sezmay qoldim o'shanda chog'im,  
Yulduzlarda ekan nigohim.  
Bilmadim ne edi gunohim...  
Men dardimni kimga aytaman?..

Qancha g'amga botmagan edim,  
Qancha og'u yutmagan edim,  
O'z bolamdan kutmagan edim;  
Men dardimni kimga aytaman?..

Tanim muzlab, goh tosh qotaman,  
Men shoh emas, axir, otaman.  
Go'rimda ham o'ylab yotaman;  
Men dardimni kimga aytaman?..

Samarqandga borsam men agar,  
Ulug'bekni ko'rmay kelmayman.  
U menga qon yig'lar har safar;  
Men dardimni kimga aytaman?

## Самарқанд

Самарқандга борсам мен агар,  
Улуғбекни кўриб қайтаман.  
У қон йиғлаб турар ҳар сафар;  
Мен дардимни кимга айтаман?..

Бағримда бўй этган бўз болам,  
Мерган болам, лочин кўз болам,  
Бўғзимга тиг урган ўз болам;  
Мен дардимни кимга айтаман?..

Сезмай қолдим ўшанда чоғим,  
Юлдузларда экан нигоҳим.  
Билмадим не эди гуноҳим...  
Мен дардимни кимга айтаман?..

Қанча ғамга ботмаган эдим,  
Қанча оғу ютмаган эдим,  
Ўз боламдан кутмаган эдим;  
Мен дардимни кимга айтаман?..

Таним музлаб, гоҳ тош қотаман,  
Мен шоҳ эмас, ахир, отаман.  
Гўримда ҳам ўйлаб ётаман;  
Мен дардимни кимга айтаман?..

Самарқандга борсам мен агар,  
Улуғбекни кўрмай келмайман.  
У менга қон йиғлар ҳар сафар;  
Мен дардимни кимга айтаман?..

## Anneme Mektup

Seni düşünürüm şam u seherde,  
Anne, özlesem de, sana gelemem.  
Geceleri parlak güzel şehirde,  
Kimseye gönlümü dökemem.

Söylediğin gibi herkesi sevdim,  
Herkesi inandım, işte akıbet.  
Öz dostum evine gömüldü sevgim,  
Gün olup göğsümü yandırdı nefret.

Başımdan geçenler göğe de ayan,  
Yıldızlar kakhaha ile güler ak bedende.  
Ben sonsuz, yeşil bir tarlada,  
Sürüsünden ayrılan bir kulun\*um.

İşte, gidiyorum taş yolda gözüm,  
Adımım arabalar gidişi gibi.  
Ağlasam, teselli edip kendimi kendim,  
Sızlarım bazen kısıraklar gibi.

**\*Kulun - at yavrusu**

## Онамга хат

Men sizni o‘ylayman shomu saharda,  
Ona, sog‘insam ham bora olmayman.  
Tunlari charog‘on shunday shaharda,  
Hech kinga ko‘nglimni yora olmayman.

Men siz aytganday hammani sevdim,  
Hammaga ishondim, mana oqibat:  
O‘z do‘stim uyiga ko‘mildi sevgim,  
Kun bo‘lib ko‘ksimni kuydirdi nafrat.

Boshimdan o‘tgani ko‘kka ham ayon,  
Yulduzlar qiqirlab kular oqbadan:  
Men – zangor yaylovda olis, bepoyon,  
Uyuridan ajrab qolgan qulunman...

Mana, ketayapman tosh yo‘lda ko‘zim,  
Qadamim moshinlar yo‘rg‘asiga mos.  
Yig‘lasam, yupatib o‘zimni o‘zim,  
Pishqirib qo‘yaman toychoqlarga xos.

Va sizni o‘ylayman shomu saharda,  
Ona, sog‘insam ham bora olmasman.  
Tunlari charog‘on shunday shaharda,  
Hech kinga ko‘nglimni yora olmasman...

Ha, sevgi haqida. U dilga ne zeb,  
Kuyinmang, ne iloj qilmasa nasib.  
Baxtinga hamisha Siz sog‘ bo‘ling deb,  
Sog‘ingan o‘g‘lingiz — Muhammad Yusuf.

## Онамга хат

Мен сизни ўйлайман шому саҳарда,  
Она, соғинсам ҳам бора олмайман.  
Тунлари чароғон шундай шаҳарда,  
Ҳеч кимга кўнглимни ёра олмайман.

Мен сиз айтгандай ҳаммани севдим,  
Ҳаммага ишондим, мана оқибат:  
Ўз дўстим уйига кўмилди севгим,  
Кун бўлиб кўксимни куйдирди нафрат.

Бошимдан ўтгани кўкка ҳам аён,  
Юлдузлар қиқирлаб кулар оқбадан:  
Мен – зангор яйловда олис, бепоён,  
Уюридан ажраб қолган қулунман...

Мана, кетаяпман тош йўлда кўзим,  
Қадамим мошинлар йўрғасига мос.  
Йиғласам, юпатиб ўзимни ўзим,  
Пишқириб кўяман тойчоқларга хос.

Ва сизни ўйлайман шому саҳарда,  
Она, соғинсам ҳам бора олмасман.  
Тунлари чароғон шундай шаҳарда,  
Ҳеч кимга кўнглимни ёра олмасман...

Ҳа, севги ҳақида. У дилга не зеб,  
Куйинманг, не илож қилмаса насиб.  
Баҳтимга ҳамиша Сиз соғ бўлинг деб,  
Соғинган ўғлингиз — Муҳаммад Юсуф.

## İkrar

Şairlik benim için hiç arzu değil,  
Bu da iş mi yiğit başıma?  
Tüm şairler toplansa – değmez,  
Annemi özleyip döktüğüm yaşıma.

İşte onlar eder bulbüllerle hiç:  
“Ey kuş, bu bağların bulbulu benim!”  
Şairlerle hiç aşinalığım yok,  
Ben nurlu dünyada gönül kuluyum.

Ama yüreğimi ezer bir çile,  
Bırak dedim, dinlemez, tutturur kalem.  
Ben çapa yapmak istesem, o tutturur söz,  
Derdimi dökerim türküler ile.

Göklere bakarsam görünür toprak,  
Çimene bakarak ayı görürüm.  
Bu nasıl olay, bilemem ortak,  
Ne zaman tarlada buğday biçerim.

Şairlik benim için hiç arzu değil,  
Bu da iş mi yiğit başıma?  
Tüm şairler toplansa – değmez,  
Evimi özleyip döktüğüm yaşıma.

## Iqror

Shoirlik men uchun aslo orzumas,  
Shu ham ish bo‘ldimi yigit boshimga?  
Hamma shoir zotin yig‘sa – arzimas,  
Onamni sog‘inib to‘kkan yoshimga.

Ana, ular qilar bulbullarga do‘q:  
“Ey qush, bu bog‘larning men bulbuliman!”  
Shoirlar bilan hech oshnoligim yo‘q,  
Men yorug‘ dunyoda ko‘nglim quliman.

Ammo yuragimni qiynar bir azob,  
Qo‘y desam qo‘ymaydi, tutqazar qalam.  
Men ketmon so‘rasam – tutadi rubob,  
Kuylayman jonimdan o‘tganda alam.

Osmonga qarasam ko‘rinar tuproq,  
Maysaga termulib oyni ko‘raman.  
Bu qanday ko‘rgilik, bilmayman, o‘rtoq,  
Men qachon dalada bug‘doy o‘raman!

Shoirlik men uchun aslo orzumas,  
Shu ham ish bo‘ldimi erkak boshimga?  
Hamma shoir zotin yig‘sa – arzimas,  
Uyimni sog‘inib to‘kkan yoshimga.

## Иқроп

Шоирлик мен учун асло орзумас,  
Шу ҳам иш бўлдим йигит бошимга?  
Ҳамма шоир зотин йиғса – арзимас,  
Онамни соғиниб тўккан ёшимга.

Ана, улар қилар булбулларга дўқ:  
«Ей қуш, бу боғларнинг мен булбулиман!»  
Шоирлар билан ҳеч ошнолигим йўқ,  
Мен ёруғ дунёда кўнглим қулиман.

Аммо юрагимни қийнар бир азоб,  
Қўй десам қўймайди, тутқазар қалам.  
Мен кетмон сўрасам – тутади рубоб,  
Куйлайман жонимдан ўтганда алам.

Осмонга қарасам кўринар тупроқ,  
Майсага термулиб ойни кўраман.  
Бу қандай кўргилик, билмайман, ўртоқ,  
Мен қачон далада буғдой ўраман!

Шоирлик мен учун асло орзумас,  
Шу ҳам иш бўлдим эркак бошимга?  
Ҳамма шоир зотин йиғса – арзимас,  
Уйимни соғиниб тўккан ёшимга.

## **Biz Mutlu Oluruz**

Tamamdır, kimilerinin hoşuna gitse,  
Gitmese de, onlarla beraber  
Ağlaşır mıydık?  
Biz mutlu oluruz.

Allah isterse,  
Allah istemezse  
Buluşur muyduk?  
Reyhan kokularını

Yollarıma ser,  
Bekle beni,  
Her akşam  
Dolunay ile.

Fakat,  
Ağlama,  
Aybım ne diye?  
Aybın-annen seni

Güzel doğurmuş.  
Bana bir tebessüm  
Hediye et, ey yar.  
Nur aksın

Dudağının sahillerinden.  
Sen söyle,  
Senin gibi kız  
Yine nerede var?

Kirpikleri uzun –  
Kaküllerinden?  
Çekinip yaşama  
Hayal koynunda.

Açıl,  
Zevk al, canım,  
Kavrulma dertte.  
Gıybetlere dayan,

Töhmete dayan,  
Sen teksin, ahir,  
Nurlu alemde.  
Ben ise

Aşğın senin,  
En garip,  
Gecelerden söz  
Borç alıp

Sabahlara dek ileten.  
Senin yanında da  
Seni arayıp,  
Senin yanında da

Seni bekleyen.  
İşte!  
Şimdi karşıdayım, diz çökmüş hâlde.  
Sevdim;

Sevmiş olmaktan  
Utanmak neden?  
Tüm melekler  
Senin kalbinde,  
Kirada duran  
Kızlardır benim için.

Biz mutlu olacağız.  
Allah isterse...  
Allah istemeseydi  
Karşılaşır mıydık?

## **Biz baxtli bo‘lamiz**

Mayli-da, kimgadir yoqsa,  
Yoqmasa ham,  
Ularga qo‘shilib  
Yig‘lasharmidik?  
Biz baxtli bo‘lamiz.  
Xudo xohlasa,  
Xudo xohlamasa  
Uchrasharmidik?

Rayhon hidlaringni  
Yo‘llaringa sep,  
Kut meni,  
Har oqshom  
Ko‘kka oy chiqqan.  
Faqat,  
Yig‘lamagin,  
Gunohim ne deb?  
Aybing –  
Onang seni  
Chiroyli tuqqan.

Menga bir tabassum  
Hadya et, ey yor.  
Nur tomsin  
Lablaring sohillaridan.

O'zing ayt,  
Senday qiz  
Yana qayda bor?  
Kipriklari uzun –  
Kokillaridan.

Iyimanib yashama  
Hayol pinjida.  
Yoyil,  
Yayra jonim,  
O'rtanma g'amda.  
G'iybatlarga chida,  
Tuhmatga chida,  
Sen bittasan, axir,  
Yorug' olamda.

Men esa  
Oshig'ing sening –  
Eng g'arib,  
Tundan so'z  
Qarz olib,  
Tongga tutguvchi.  
Sening yoningda ham  
Seni axtarib,  
Sening yoningda ham  
Seni kutguvchi.

Ista,  
Tiz cho‘kaman hozir oldingda.  
Sevdim,  
Sevganimdan,  
Uyalmoq nechun?  
Barcha farishtalar  
Sening qalbingda  
Ijarada turgan  
Qizlar men uchun.

Biz baxtli bo‘lamiz.  
Xudo xohlasa,  
Xudo xohlamasa  
Uchrasharmidik?!

## Биз бахтли бўламиз

Майли-да, кимгадир ёқса,  
Ёқмаса ҳам,  
Уларга қўшилиб  
Йиғлашармидик?  
Биз бахтли бўламиз.

Худо хоҳласа,  
Худо хоҳламаса  
Учрашармидик?  
Райҳон ҳидларингни

Йўлларимга сеп,  
Кут мени,  
Ҳар оқшом  
Кўкка ой чиққан.  
Фақат,

Йиғламагин,  
Гуноҳим не деб?  
Айбинг –  
Онанг сени  
Чиройли тукқан.

Менга бир табассум  
Ҳадя эт, ей ёр.  
Нур томсин  
Лабларинг соҳилларидан.  
Ўзинг айт,  
Сендай қиз  
Яна қайда бор?  
Киприклари узун –  
Кокилларидан.

Ийманиб яшама  
Ҳаёл пинжида.  
Ёйил,  
Яйра жоним,  
Ўртанма ғамда.  
Ғийбатларга чида,  
Тухматга чида,  
Сен биттасан, ахир,  
Ёруғ оламда.

Мен эса  
Ошиғинг сенинг –  
Энг ғариб,  
Тундан сўз  
Қарз олиб,  
Тонгга тутгувчи.

Сенинг ёнингда ҳам  
Сени ахтариб,  
Сенинг ёнингда ҳам  
Сени кутгувчи.

Иста,  
Тиз чўкаман ҳозир олдингда.  
Севдим,  
Севганимдан,  
Уялмоқ нечун?  
Барча фаришталар  
Сенинг қалбингда  
Ижарада турган  
Қизлар мен учун.

Биз бахтли бўламиз.  
Худо хоҳласа,  
Худо хоҳламаса  
Учрашармидик?!

## Nevâî

Cömert hitaplara gömülmesi  
Kolaydır “Büyük şair” demesi.  
Nevâî'nin de yok hiç kimsesi,  
O da garip insan, benim gibi.

Minare gibi mermerden heykeli,  
Görünse de hatta Hırat'a,  
Kavmi evi sarsılrsa,  
Düğün yaraşır mı o zata?

Affeder mi hazret, öz kavmini,  
Bir birine destek olmazsa?  
Padişah değerın eđer bilmezse,  
Dilencisini gah kollamazsa?

Kalbini arı sokmuş gibi,  
Pir koluna gizlice girseler.  
Azap deęil mi öz torunları,  
Bir birinin gözünü oysalar?

Durmadan ağlayıp yatmaz mı üstat,  
Mezarda da yürek baęrı olup kan?  
Şairleri söylemezse doęruyu,  
Alimleri tartışırsa mertebe unvan?

Sonsuz nazım gülşeni solmaz,  
Nevâî ki, yaşar ta abed.  
Akıbetsiz hiç hür olmaz,  
Mürüvvetsiz yurтта saadet...

Büyük şair demek kolay,  
Hitaplara katılıp, lakin,  
Nevâî mubarek düğününü  
Biz kutlarınız dilden, yürekten –  
Ruhun şad ettiğimiz gün.  
Ruhun şad ettiğimiz gün.

## Navoiy

Xitoblarga ko‘milib, hotam,  
Buyuk shoir, deyish-ku oson.  
Hech kimi yo‘q Navoiyni ham,  
U ham mendek bir g‘arib inson.

Minoradek marmar haykali,  
Ko‘rinsa ham hatto Hirotga.  
Qavmin uyi tursa chaqilib,  
To‘yi tatirmikan u zotga?

Kechirgaymi hazrat o‘z qavmin,  
Bir-biriga bo‘lmasa panoh?  
Podshosining bilmasa qadrin,  
Gadosini siylamasa goh?

Yuragini chaqqandek ari,  
Pir yengidan kirib yashirin.  
Azobmasmi, nabiralari,  
Ko‘zin o‘yib yursa bir-birin?

Yum-yum yig‘lab yotmasmi ustoz,  
Qabrida ham yurak-bag‘ri qon?  
Shoirlari so‘ylamasa rost,  
Olimlari talasha unvon?

Mangu nazm gulshani so‘lmas,  
Navoiy-ku yashar to abad.  
Oqibatsiz elda erk bo‘lmas,  
Muruvvatsiz yurtda saodat...

Buyuk shoir deyish-ku oson,  
Xitoblarga qo‘shilib. Lekin,  
Navoiyning to‘yi, biz qachon –  
Arvohini shod etolgan kun?

## Навоий

Хитобларга кўмилиб, хотам,  
Буюк шоир, дейиш-ку осон.  
Ҳеч кими йўқ Навоийни ҳам,  
У ҳам мендек бир ғариб инсон.

Минорадек мармар ҳайкали,  
Кўринса ҳам ҳатто Ҳиротга.  
Қавмин уйи турса чақалиб,  
Тўйи татирмикан у зотга?

Кечиргайми хазрат ўз қавмин,  
Бир-бирига бўлмаса паноҳ?  
Подшосининг билмаса қадрин,  
Гадосини сийламаса гоҳ?

Юрагини чаққандек ари,  
Пир енгидан кириб яширин.  
Азобмасми, набиралари,  
Кўзин ўйиб юрса бир-бирин?

Юм-юм йиғлаб ётмасми устоз,  
Қабрида ҳам юрак-бағри қон?  
Шоирлари сўйламаса рост,  
Олимлари талашса унвон?

Мангу назм гулшани сўлмас,  
Навоий-ку яшар то абад.  
Оқибатсиз элда эрк бўлмас,  
Мурувватсиз юртда саодат...

Буюк шоир дейиш-ку осон,  
Хитобларга қўшилиб. Лекин,  
Навоийнинг тўйи, биз қачон –  
Арвоҳини шод этолган кун?

## Halk ol, elim

Kadim yurda dönsün kadim ezgilerim,  
Kumlar basıp kurumasın deryalarım.  
Alpamış'a ninni söyleyen ninelerim,  
Ruhun şad eyleyeyim dersen, halk ol, elim!

Dünyaya bak, endamı senin gibi kim var yine?  
Şöhreti ve derdi senin gibi kim var yine?  
Halk olmaya hakkı senin gibi kim var yine?  
Maziyi yad eyleyeyim dersen, halk ol, elim!

Sen sallayan beşiğini Sahıbkıran,  
Senin evladın yıldızlara koydu merdiven.  
Bir meyizi\* kırka bölen bir tenle can,  
Günlerine döneyim dersen, halk ol, elim!

Derya gibi coşkun şimdi zevki büyük,  
Bayramında sevinç göz yaşına kulluk\*.  
Yurdum diyen cesur Yurtbaşına kulluk,  
Ona kanat olayım dersen, halk ol, elim!

Olacak elin evlatları bir birine der,  
Olmaz elin evlatları bir birine er.  
Bir ol artık, kadri yüksek göğsünü ger,  
Halk ol, elim, halk ol, elim, halk ol, elim!

*\*Meyiz - üzüm kurusu*

*\*Kulluk - memnuniyet ifadesi, tazim etmek*

## **Xalq bo‘l, elim**

Xalq bo‘l, elim  
Qumlar bosib qurimasin daryolarim.  
Alpomishga alla aytgan momolarim,  
Ruhini shod etay desang — xalq bo‘l, elim!

Dunyoga boq, qaddi sendek kim bor yana?  
Dovrug‘i ham, dardi sendek kim bor yana?  
Xalq bo‘lishga haqi sendek kim bor yana?  
Moziyni yod etay desang — xalq bo‘l, elim!

Sen tebratgan beshigini Sohibqiron,  
Sening bolang yulduzlarga qo‘ygan narvon.  
Bir mayizni qirqqa bo‘lgan bir tanu jon,  
Kunlaringga qaytay desang — xalq bo‘l, elim!

Daryo bo‘lib jo‘shgin endi zavqi ulug‘,  
Bayramingda sevinch ko‘z yoshingga qulluq,  
Yurtim degan jasur Yurtboshingga qulluq,  
Unga qanot bo‘lay desang — xalq bo‘l, elim!

Bo‘lar elning bolalari bir-birini der,  
Bo‘lmas elning bolalari bir-birini yer.  
Bir bo‘l endi, qadri baland qaddingni ker,  
Xalq bo‘l, elim, xalq bo‘l, elim, xalq bo‘l, elim!

## Халқ бұл, элим

Қадим юртга қайтсин қадим наволарим,  
Қумлар босиб қуримасин дарёларим.  
Алпомихга алла айтган момоларим,  
Руҳини шод этай десанг — халқ бұл, элим!

Дунёга боқ, қадди сендек ким бор яна?  
Довруғи ҳам, дарди сендек ким бор яна?  
Халқ бўлишга ҳақи сендек ким бор яна?  
Мозийни ёд этай десанг — халқ бұл, элим!

Сен тебратган бешигини Соҳибқирон,  
Сенинг боланг юлдузларга қўйган нарвон.  
Бир майизни қирққа бўлган бир тану жон,  
Кунларингга қайтай десанг — халқ бұл, элим!

Дарё бўлиб жўшгин энди завқи улуг,  
Байрамингда севинч кўз ёшингга қуллуқ,  
Юртим деган жасур Юртбошингга қуллуқ,  
Унга қанот бўлай десанг — халқ бұл, элим!

Бўлар элнинг болалари бир-бирини дер,  
Бўлмас элнинг болалари бир-бирини ер.  
Бир бұл энди, қадри баланд қақдингни кер,  
Халқ бұл, элим, халқ бұл, элим, халқ бұл, элим!

## Mehr Kalır

Geçer yıllar, tozu, dumanı,  
Yıldızlar, gözyaşı semanın.  
Geçer insan, yahşi-yamanı,  
Mehr\* kalır, muhabbet kalır.

Gözbebeğinde parlayan odur,  
İkbalini çağırın odur.  
Dünyayı dar eyleyen odur,  
Mehr kalır, muhabbet kalır.

Anar\*, senin yüzlerin güzel,  
Humar, senin gözlerin güzel.  
Yadda kalmaz sözlerin güzel,  
Mehr kalır, muhabbet kalır.

Akıp gitti sulara Tahir,  
Zuhra ağlar, kan dolu bağır.  
Kıyamet gelse de bir gün, ahir,  
Mehr kalır, muhabbet kalır.

Ne diyorsun, ey kötü insan?  
Gıybetlerin kıldı beni kan.  
Sen de bir gün gidersen, inan,  
Mehr kalır, muhabbet kalır.

*\*Mehr - sevgi, şevkat*

*\*Anar /Nar - burada kız ismi*

## Mehr qolur

O'tar qancha yillar to'zoni,  
Yulduzlar — ko'z yoshi samoni.  
O'tar inson yaxshi yomoni,  
Mehr qolur, muhabbat qolur.

Qoracho'g'da porlagan o'sha,  
Iqboliga chorlagan o'sha.  
Dunyoni tor aylagan o'sha,  
Mehr qolur, muhabbat qolur.

Anor, sening yuzlaring suluv,  
Xumor, sening ko'zlaring suluv.  
Yodda qolmas so'zlaring suluv,  
Mehr qolur, muhabbat qolur.

Oqib ketdi suvlarda Tohir,  
Zuhro yig'lab qoldi qon bag'ir.  
Kelganda ham qiyomat oxir,  
Mehr qolur, muhabbat qolur.

Nima deysan ey g'ayur inson?  
G'iybatlaring qildi meni qon.  
Sen ham bir kun o'turursan, inon,  
Mehr qolur, muhabbat qolur.

## Меҳр қолур

Ўтар қанча йиллар тўзони,  
Юлдузлар — кўзёши самони.  
Ўтар инсон яхши ёмони,  
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.

Қорачўғда порлаган ўша,  
Иқболига чорлаган ўша.  
Дунёни тор айлаган ўша,  
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.

Анор, сенинг юзларинг сулув,  
Хумор, сенинг кўзларинг сулув.  
Ёдда қолмас сўзларинг сулув,  
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.

Оқиб кетди сувларда Тоҳир,  
Зухро йиғлаб қолди қон бағир.  
Келганда ҳам қиёмат охир,  
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.

Нима дейсан эй ғаюр инсон?  
Ғийбатларинг қилди мени қон.  
Сен ҳам бир кун ўтурсан, инон,  
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.

## Özbekistan

Ey, Ata mekanım,  
Ana yurdum,  
Özbekistan, canımı döşeyim gölgelerine.  
Senin gibi şefkatlisi yok,  
Senin gibi güzeli yoktur.  
Roma'yı deęişmem yoncalığına.

Bir yanı su olsa, bir yanı bozkır,  
Nice yurtlar gördüm, nice kaderler.  
Nereye gidersem, başımı dik tut diye,  
Dağların da kalmaz, ardımdan gelir.

Gördüm güzellerin en güzelini,  
Kendini düşünen veya safım ben.  
Paris'in en güzel restoranlarını,  
Bir tane tandırına deęişmem ben.

Ne laftan anlarım,  
Ne dil bilirim.  
Gözden uyku kaçtı, kalmadı huzur –  
Üç gün geçmeden özlerim, inan,  
Yarıda kesilir tamam geziler.

Anladım ki hepsinden yücesin yurdum,  
Anladım ki en uygunu bu zemin bana.  
Baharda Bahmal'da doğan kuzuların,  
Arap ahusundan daha değerlidir bana.

Seninle geçen her günü bayram bilirim,  
Sensiz kalsam korkulara kapılırım.  
Seni anlayana teşekkürü borç bilirim,  
Seni anlamayana kızar, acırım.

## O‘zbekiston

Ey, ota makonim,  
Onajon o‘lkam,  
O‘zbekiston, jonim to‘shay soyangga.  
Senday mehribon yo‘q,  
Seningdek ko‘rkam yo‘q,  
Rimni alishmasman bedapoyangga.

Bir go‘sha suv bo‘lsa, bir go‘sha qirlar,  
Qancha yurtni ko‘rdim, qancha taqdirlar.  
Qancha borsam, suyab, boshni tik tut deb,  
Tog‘laring izimdan ergashib yurar.

Ko‘rdim suluvlaring eng faranglarini,  
Yo xudbinman, yo bir soda kasman men.  
Parijning eng go‘zal restoranlarini,  
Bitta tandiringga alishmasman men.

Na gapga qo‘nayin,  
Na til bilayin.  
Ko‘zdan uyqu qochdi, dildan halovat,  
Uch kunda sog‘insam nima qilayin?  
Chala qolar bo‘ldi hamma sayohat.

Bildimki, baridan ulug‘im o‘zing,  
Bildimki, yaqinim shu tuproq menga.  
Bahorda Bahmalda tug‘ilgan ko‘zing,  
Arab ohusidan azizroq menga.

Sen bilan o‘tgan har kun bayram-bazm,  
Sensiz bir on qolsam vahmim keladi.  
Seni bilganlarga qilaman ta‘zim,  
Seni bilmaslarga rahmim keladi.

## Ўзбекистон

Еу, ота маконим,  
Онажон ўлкам,  
Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.  
Сендай меҳрибон йўқ,  
Сенингдек кўркам йўқ,  
Римни алишмасман бедапоянгга.

Бир гўша сув бўлса, бир гўша қирлар,  
Қанча юртни кўрдим, қанча тақдирлар.  
Қанча борсам, суяб, бошни тик тут деб,  
Тоғларинг изимдан эргашиб юрар.

Кўрдим сулувларинг энг фарангларини,  
Ё худбинман, ё бир сода касман мен.  
Парижнинг энг гўзал ресторанларини,  
Битта тандирингга алишмасман мен.

На гапга қўнайин,  
На тил билайин.  
Кўздан уйқу қочди, дилдан халоват,  
Уч кунда соғинсам нима қилайин?

Чала қолар бўлди ҳамма саёҳат.  
Билдимки, баридан улуғим ўзинг,  
Билдимки, яқини шу тупроқ менга.  
Баҳорда Баҳмалда туғилган кўзинг,

Араб оҳусидан азизроқ менга.  
Сен билан ўтган ҳар кун байрам-базм,  
Сенсиз бир он қолсам ваҳмим келади.  
Сени билганларга қиламан таъзим,  
Сени билмасларга раҳмим келади.

## Yüce Vatanım

Ben dünyayı ne yapayım,  
Sen can ü cihanım.  
Ben hakanım,  
Ben sultanım,  
Sen taht-ı Süleyman'ım.

Yalnızım, yeganem mi desem?  
Taptığım kaşanem mi desem?  
Sen tamam yücelerden,  
Çok yücesin, Vatanım.

Mutlu günümde güller verdin,  
Çiçek serdin yoluma.  
Mutsuz günüm, avuttun sen,  
Yüzün sürüp yüzüme.

Bacım mı desem?  
Anam mı desem?  
Hemdert ü hem-hanem mi desem?  
Sevgisi Güneşten de –  
Sıcağımsın, Vatanım.

Sen Meşreb'sin,  
Halkta muska,  
Belh'de darağacına asılan,  
Nevai'sin Şah yanında,  
Fakire dua eden,  
Yesevi'sin benim diye,  
Görüneni dava eden,  
Bin bir yönü açılmayan,  
Sığınağımsın, Vatanım.

Sen Hocend'sin,  
Cengizlere kapısını açmayan,  
Timur Melik arkasından,  
Sirderya'ya atlayan,  
Mukanna'sın gözbebeği,  
Ateşlere sıçrayan,  
Şırakları gören çobanın,  
Yavrususun, Vatanım.

Kime Kaşgar oldu mekan,  
Kim Yenosoy taraflarda,  
Celaleddin Kurdistan'da,  
Babür'ün Hindistan'da.  
Bu nasıl yüz karalığı diye,  
Yatıyorlar karanlıkta,  
Dağılıp giden, doksan altı,  
Bodunumsun, Vatanım.

Oğlum desen göklere,  
Kırat olup uçarım,  
Çambil yurтта Alpamış'a,  
Nevkar olup düşerim.  
Pederkuş'tan koruyup,  
Uluğbek'i kucaklarım.  
Gıcır gıcır dişimdeki,  
Soluğumsun, Vatanım.

Geçen günün, geçmiş gündür,  
Başına bela alan gün,  
Kadiri'yi veren zemin,  
Kadiri'yi satan gün.  
Yelini bağlayıp,

Gönlünü dađlayıp,  
Yelini tutup giden gün,  
Vah, yavrurı deyip söyleyemeyen,  
Kekemesin, Vatanım.

Yanında kan ağlayan bir  
Şairine bakıver.  
Eđer Hokand'a yolun düşerse,  
Yetimlerin halin sor.  
Hiç olmazsa Osman'ın toprađını  
Getirmeyi görev bil.  
Uzaklarda kuruyup kalan,  
Kuyumsun, Vatanım.

Sen dalları göklere,  
Deđip duran çınarım.  
Ata dersem,  
Ođlum deyip  
Başını eđip duran çınarım.  
Koynumdaki iftiharım,  
Boynumdaki muskam,  
Sen benim yücelerden,  
Yücemsin, Vatanım!

## Vatanim

Men dunyoni nima qildim,  
O‘zing yorug‘ jahonim.  
O‘zim hoqon,  
O‘zim sulton,  
Sen taxti Sulaymonim.  
Yolg‘izim, yagonam deymi?  
Toppingan koshonam deymi?  
O‘zing mening ulug‘lardan,  
Ulug‘imsan, Vatanim.

Shodon kunim gul otgan sen,  
Chechak otgan izimga.  
Nolon kunim yupatgan sen,  
Yuzing bosib yuzimga.  
Singlim deymi?  
Onam deymi?  
Hamdardu hamxonam deymi?  
Oftobdan ham o‘zing mehri –  
Ilig‘imsan, Vatanim.

Sen Mashrabsan,  
Xalqda tumor,  
Balxda dorga osilgan,  
Navoiysan, shoh yonida,  
Faqirni duo qilgan,  
Yassaviysan, meniki deb,  
Ko‘ringan da’vo qilgan,  
Ming bir yog‘i ochilmagan,  
Ko‘rig‘imsan, Vatanim.

Sen Xo‘jandsan,  
Chingizlarga darbozasin ochmagan,  
Temur Malik orqasidan,  
Sirdaryoga sakragan.  
Muqannasan qorachig‘i,  
Olovlarga sachragan,  
Shiroqlarni ko‘rgan cho‘pon,  
Cho‘lig‘imsan, Vatanim.

Kim Qashqarni qildi makon,  
Kim Enasoy tomonda,  
Jaloliddin – Kurdistonda,  
Boburing – Hindistonda.  
Bu qanday yuz qarolig‘ deb,  
Yotarlar zimistonda.  
Tarqab ketgan to‘qson olti,  
Urug‘imsan, Vatanim.

O‘g‘lim, desang osmonlarga,  
G‘irot bo‘lib uchgayman.  
Chambil yurtda Alpomishga,  
Navkar bo‘lib tushgayman.  
Padarkushdan pana qilib,  
Ulug‘beking quchgayman.  
G‘ichir-g‘ichir tishimdagi,  
So‘lig‘imsan, Vatanim.

O‘tgan kuning – o‘tgan kundir,  
O‘z boshinga yetgan kun.  
Qodiriyni bergan zamin,  
Qodiriyni sotgan kun.

Qo‘lin bog‘lab,  
Dilin dog‘lab,  
Yetaklashib ketgan kun.  
Voh, bolam! – deb aytolmagan,  
Dudug‘imsan, Vatanim.

Yoningda qon yig‘lagan bir  
Shoiringga qarab qo‘y.  
Gar Qo‘qonga yo‘ling tushsa,  
Detdomlarni so‘rab qo‘y.  
Hech bo‘lmasa Usmon hokin,  
Keltirmoqqa yarab qo‘y.  
Olislarda qurib qolgan,  
Qudug‘imsan, Vatanim.

Sen – shoxlari osmonlarga,  
Tegib turgan chinorim.  
Ota desam,  
O‘g‘lim deb,  
Bosh egib turgan chinorim.  
Qo‘ynimdagi iftixorim,  
Bo‘ynimdagi tumorim,  
O‘zing meni ulug‘lardan,  
Ulug‘imsan, Vatanim!

## Ватаним

Мен дунёни нима қилдим,  
Ўзинг ёруғ жаҳоним.  
Ўзим хоқон,  
Ўзим султон,  
Сен тахти Сулаймоним.

Ёлғизим, яғонам дейми?  
Топинган кошонам дейми?  
Ўзинг менинг улуғлардан,  
Улуғимсан, Ватаним.

Шодон куним гул отган сен,  
Чечак отган изимга.  
Нолон куним юпатган сен,  
Юзинг босиб юзимга.

Синглим дейми?  
Онам дейми?  
Ҳамдарду ҳамхонам дейми?  
Офтобдан ҳам ўзинг меҳри –  
Илиғимсан, Ватаним.

Сен Машрабсан,  
Халқда тумор,  
Балхда дорга осилган,  
Навоийсан, шоҳ ёнида.  
Фақирни дуо қилган,  
Яссавийсан, меники деб,  
Кўринган даъво қилган,

Минг бир ёғи очилмаган,  
Кўриғимсан, Ватаним.

Сен Хўжандсан,  
Чингизларга дарбозасин очмаган,  
Темур Малик орқасидан,  
Сирдарёга сакраган.  
Муқаннасан қорачиғи,  
Оловларга сачраган,  
Широқларни кўрган чўпон,  
Чўлиғимсан, Ватаним.  
Ким Қашқарни қилди макон,

Ким Энасой томонда,  
Жалолиддин – Курдистонда,  
Бобуринг – Ҳиндистонда.  
Бу қандай юз қаролиғ деб,  
Ётарлар зимистонда.  
Тарқаб кетган тўқсон олти,  
Уруғимсан, Ватаним.

Ўғлим, десанг осмонларга,  
Ғирот бўлиб учгайман.  
Чамбил юртда Алпомишга,  
Навкар бўлиб тушгайман.  
Падаркушдан пана қилиб,  
Улуғбекинг қучгайман.  
Ғичир-ғичир тишимдаги,  
Сўлиғимсан, Ватаним.  
Ўтган кунинг – ўтган кундир,  
Ўз бошингга етган кун.

Қодирийни берган замин,  
Қодирийни сотган кун.  
Қўлин боғлаб,  
Дилин доғлаб,  
Етаклашиб кетган кун.  
Вох, болам! – деб айтолмаган,  
Дудуғимсан, Ватаним.

Ёнингда қон йиғлаган бир  
Шоирингга қараб қўй.  
Гар Қўқонга йўлинг тушса,  
Детдомларни сўраб қўй.  
Ҳеч бўлмаса Усмон хокин,  
Келтирмоққа яраб қўй.  
Олисларда қуриб қолган,  
Қудуғимсан, Ватаним.

Сен – шохлари осмонларга,  
Тегиб турган чинорим.  
Ота десам,  
Ўғлим деб,  
Бош эгиб турган чинорим.  
Қўйнимдаги ифтихорим,  
Бўйнимдаги туморим,  
Ўзинг мени улуғлардан,  
Улуғимсан, Ватаним!

**İkrom Otamurod'dan Şiirler**  
*Özbekçeden Türkçeye çeviren: Cumali Şabanov*

**Hatıralar**

Gözlerini yumduğun zaman,  
Geliverir gözüm önüne  
Hatıralar kılıcın çekmiş,  
Hatıralar silinmiş, silinmiş yine.

Yollarına döşenmiş taşlar,  
Adımına dokunur, kırılır.  
Hicranlar, fiğanlar, göz yaşlar,  
Hatıranda, inleyip durur.

Aslında da bulmuşsun mevcud,  
Hatıranın bağrında sarhoş.  
Hatıralar çakılmış vücut,  
Hatıralar dönmeyecek düş.

## Xotiralar

Ko‘zlaring yumganing zahot,  
Kelaverar ko‘zing o‘ngiga.  
Xotiralar qilich qayrab bot,  
Xotiralar uchingan, tingan.

Yo‘llaringda to‘shalgan toshlar,  
Qadamingga to‘qinar, sinar.  
Hijronlar, fig‘onlar, ko‘z yoshlar,  
Xotirangda ingranib tinar.

Aslidayam topgansan mavjud,  
Xotirangni bag‘rida sarxush.  
Xotiralar – chaqilgan vujud,  
Xotiralar – qaytarilmas tush.

## Хотиралар

Кўзларинг юмганинг заҳот,  
Келаверар кўзинг ўнгига.  
Хотиралар қилич қайраб бот,  
Хотиралар учинган, тинган.

Йўлларингда тўшалган тошлар,  
Қадамингга тўқинар, синар.  
Ҳижронлар, фиғонлар, кўз ёшлар,  
Хотирангда инганиб тинар.

Аслидаям топгансан мавжуд,  
Хотирангни бағрида сархуш.  
Хотиралар – чақилган вужуд,  
Хотиралар – қайтарилмас туш.

## Özlem

Hilali özledi gökler,  
Çoook özledi.  
Özlemekten eridi bedeni,  
Uzak uzadı... on beş gün.  
On beş gün uzadı uzak...  
On beş gün... gök giydi  
Gecenin siyah kaftanını.

## Sog'inch

Hilolini sog'indi osmon,  
Ko'-o'-o'-p sog'indi.  
Sog'inchdan churkadi a'zoyi tani,  
Uzoq cho'zildi o'n besh kun.  
O'n besh kun cho'zildi uzoq...  
O'n besh kun... osmon kiydi  
Tunning qora choponini.

## Соғинч

Ҳилолини соғинди осмон,  
Кў-ў-ў-п соғинди.  
Соғинчдан чуркади азойи тани,  
Узоқ чўзилди ўн беш кун.  
Ўн беш кун чўзилди узоқ...  
Ўн беш кун... осмон кийди  
Туннинг қора чопонини.

## **Bir Gn**

Uzak bir mr, kendini aldatarak yařamak ok zor.  
Uzun bir mr gereęi gizleyip yařamak ok zor.  
Uzun bir mr kendinden uzak yařamak ok zor.  
Uzun bir mr...

Sylenmiř yalanlar, elbette bir gn.  
Bir gn gizlenen hakikat, nihayetinde,  
Daęları kemiren karlar misali,  
Yeritir yreęi, eritir sonunda.

## **Bir kuni**

Uzoq bir umr o‘zingni aldab yashamoq – og‘ir.

Uzoq bir umr rostni yashirib yashamoq – og‘ir.

Uzoq bir umr o‘zingdan yiroq yashamoq – og‘ir.

Uzoq bir umr...

Aytilgan yolg‘onlar, axir, bir kuni.

Bir kuni sir qolgan rostlar axir.

Tog‘larni yemirgan qorlar singari,

Yurakni eritar, oxir...

## Бир куни

Узоқ бир умр ўзингни алдаб яшамоқ – оғир.  
Узоқ бир умр ростни яшириб яшамоқ – оғир.  
Узоқ бир умр ўзингдан йироқ яшамоқ – оғир.  
Узоқ бир умр...  
Айтилган ёлғонлар, аҳир, бир куни.  
Бир куни сир қолган ростлар ахир.  
Тоғларни емирган қорлар сингари,  
Юракни эритар, охир...

## Ferida Afruz'dan Şiirler

*Özbekçeden Türkçeye çeviren: Cumali Şabanov*

**İlinc**

Bugün de gönül ışığın yanmadı,  
Bugün de kalbimde karanlık,  
Bugün aşk kendinden caymadı,  
Kan ağlar, kan ağlar bir duygu.

Bugün de yaşadım boşuna,  
Olmayan şu uğura inandım.  
Cadı umduklarım tuzağında,  
Gah ağladım, gah avundum.

Bugün de ellerim kınasız.  
Kaşlarım sürmesizdir yine  
Bu donmuş umutlar, Allahsız,  
Hançerci muhabbet yolunu kesme.

## Ilinj

Bugun ham chirog'ing yonmadi,  
Bugun ham yuragim qorong'u.  
Bugun ham ishq o'zidan tonmadi,  
Qon yig'lar, qon yig'lar bir tuyg'u.

Bugun ham yashadim behuda,  
Shu qurg'ur omadga ishonib.  
Jodugar ilinjlar domida,  
Goh yig'lab, gohida yupanib.

Bugun ham kaftlarim xinosiz,  
Bugun ham qoshlarim beo'sma.  
Bu karaxt ilinjlar xudosiz,  
Xanjarsoz muhabbat, yo'l to'sma!

## Илинж

Бугун ҳам чироғинг ёнмади,  
Бугун ҳам юрагим қоронғу.  
Бугун ҳам ишқ ўзидан тонмади,  
Қон йиғлар, қон йиғлар бир туйғу.  
Бугун ҳам яшадим беҳуда,  
Шу қурғур омадга ишониб.  
Жодугар илинжлар домида,  
Гоҳ йиғлаб, гоҳида юпаниб.  
Бугун ҳам кафтларим хиносиз,  
Бугун ҳам қошларим беўсма.  
Бу карахт илинжлар худосиз,  
Ханжарсоз муҳаббат, йўл тўсма!

## Gönül

Seven kişi har olmaz,  
Şefkat arayıp muhtaç olmaz,  
Dünya göze dar olmaz,  
Gönlüm, senin halin nasıl?

Aşıklıkta güzellik var,  
Azabında halavet var,  
Şefaata var, muruvvet var,  
Gönlüm, senin halin nasıl?

Yağmur olsam çöl kalmaz,  
Gideceğim yol kalmaz,  
Sana ben gibi kul kalmaz,  
Gönlüm, senin halin nasıl?

Bile bile korlar bastım,  
Aşk rafına bayrak astım,  
Öz haddimden kendim geçtim,  
Gönlüm, senin halin nasıl?

Hepsinden hicran yaman,  
Bu can sana belagerdan,  
Öldürmezse oldu arman,  
Gönlüm, senin halin nasıl?

Bilirsin – ki can emanet,  
Mal – u dünya, şan emanet,  
Geçip giden ten emanet,  
Gönlüm, senin halin nasıl?

## Ko'ngil

Sevgan kishi xor bo'lmaydi,  
Mexr izlab zor bo'lmaydi,  
Dunyo ko'zga tor bo'lmaydi,  
Ko'nglim, sening holing nechuk?

Oshiqlikda tarovat bor,  
Azobida xalovat bor,  
Muruvvat bor, shafolat bor,  
Ko'nglim, sening holing nechuk?

Yomg'ir bo'lsam, cho'l qolmagay,  
Borsa kelmas yo'l qolmagay,  
Senga mendek qul qolmagay,  
Ko'nglim, sening holing nechuk?

Bilib turib cho'g'lar bosdim,  
Ishq toqiga tug'lar osdim,  
O'z haddimdan o'zim oshdim,  
Ko'nglim, sening holing nechuk?

Hammasidan hijron yomon,  
Bu jon senga balogardon,  
O'ldirmasa bo'ldi armon,  
Ko'nglim, sening holing nechuk?

Bilarsan – ku, jon omonat,  
Molu dunyo shon omonat,  
Otib turgan tong omonat,  
Ko'nglim, sening holing nechuk?

## Кўнглим

Севган киши хор бўлмайди,  
Мехр излаб зор бўлмайди,  
Дунё кўзга тор бўлмайди,  
Кўнглим, сенинг ҳолинг нечук?

Ошиқликда тароват бор,  
Азобида халоват бор,  
Мурувват бор, шафоат бор,  
Кўнглим, сенинг ҳолинг нечук?

Ёмғир бўлсам, чўл қолмагай,  
Борса келмас йўл қолмагай,  
Сенга мендек қул қолмагай,  
Кўнглим, сенинг ҳолинг нечук?

Билиб туриб чўғлар босдим,  
Ишқ тоқида туғлар осдим,  
Ўз ҳаддимдан ўзим ошдим,  
Кўнглим, сенинг ҳолинг нечук?

Ҳаммасидан ҳижрон ёмон,  
Бу жон сенга балогардон,  
Ўлдирмаса бўлди армон,  
Кўнглим, сенинг ҳолинг нечук?

Биласан – ку, жон омонат,  
Молу дунё шон омонат,  
Оттиб турган тонг омонат,  
Кўнглим, сенинг ҳолинг нечук?

## **İçindekiler**

### **Ön Söz**

#### **Monologlar**

Vatan Ne Demektir?

Annem

Dileğim

O Şarkı Söyledi...

Aşk

Gönül Dağ Oldu, Dağ Oldu

Kız Kardeşimden Mektup

Kızıl Yanaklar

Durdurun Treni, Durdurun!

Suçum Sakat Olmam mıydı?

Kalbimi Kırma, Lütfen, Sevgilim

Pijamalarım

#### **Türkçe Şiirler**

Var mı?

Ana

Anılarım Kaldı

Haberin Yok

## **Özbekçeden Türkçeye Şiir Çevirileri**

### **Muhammad Yusuf'tan Seçmeler**

Semerkand

Anneme Mektup

İkrar

Biz Mutlu Oluruz

Nevâî

Halk ol, Elim

Mehr Kalır

Özbekistan

Yüce Vatanım

### **İkrom Otamurod'dan Şiirler**

Hatıralar

Özlem

Bir Gün

### **Ferida Afroz'dan Şiirler**

İlinc

Gönül

## **Mundarija**

**Kirish so‘z**

**Monologlar**

Vatan nima degani?

Ona

O'tinch

U qo'shiq kuylardi...

Muhabbat

Ko'ngil dog' bo'ldi, dog' bo'ldi

Singlimdan xat

Qirmiz yanoqlar

To'xtatinglar, poyezdni to'xtatinglar!

Aybim majruhligimmi?

Iltimos, yor, ranjitma meni

Pijamalarim

### **Turk tilida yozilgan she'rlar**

Var mi?

Ana

Anilarim Kaldı

Haberin Yok

### **Tarjima she'rlar**

#### **Muhammad Yusuf she'rlari**

Samarqand

Onamga xat

İqror

Biz baxtli bo‘lamiz

Navoiy

Xalq bo‘l, elim

Mehr qolur

O‘zbekiston

Vatanim

### **Ikrom Otamurod she’rlari**

Xotiralar

Sog‘inch

Bir kuni

### **Farida Afro‘z she’rlari**

Ilinj

Ko‘ngil

## **Мундарижа**

### **Кириш сўз**

### **Монологлар**

Ватан нима дегани?

Она

Ўтинч

У қўшиқ куйларди...

Муҳаббат

Кўнгил доғ бўлди, доғ бўлди

Синглимдан хат  
Қирмиз яноқлар  
Тўхтатинглар, поездни тўхтатинглар!  
Айбим мажруҳлигимми?  
Илтимос, ёр, ранжитма мени  
Пижамаларим

### **Турк тилида ёзилган шеърлар**

Var mı?  
Ана  
Anılarım Kaldı  
Haberin Yok

### **Таржима шеърлар**

#### **Муҳаммад Юсуф шеърлари**

Самарқанд  
Онамга хат  
Иқроп  
Биз бахтли бўламыз  
Навой  
Халқ бўл, элим  
Меҳр қолур  
Ўзбекистон  
Ватаним

**Икром Отамурод шеърлари**

Хотиралар

Соғинч

Бир куни

**Фарида Афрӯз шеърлари**

Илинж

Кўнгил

